

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

МУНОСИБЛАР САЙЛанади

Шу йилнинг 6 октябрида "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш" тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори эълон қилингандан кейин жойларда ушбу тadbирга тайёргарлик ишлари қизғинлик билан бошлаб юборилди. Сайловнинг «Обод маҳалла йили»да ўтиши эса унга янада катта масъулият билан ёндошишни талаб этиши табиий. Давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши эса мазкур сайлов компаниясининг аҳамияти ошганини кўрсатиб турибди.

Фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқолларга кўп нарса боғлиқ. Хўш, шундай экан, сайланажак оқсоқоллар қандай бўлиши керак?

Биз бўлажак сайлов олдидан қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда бўлиб у ердаги ишлар билан, хусусан, сайлов компаниясига тайёргарлик ишлари ҳақида оқсоқоллар билан суҳбатлашдик.

Юнусобод туманидаги генерал К.Ғофуров номи маҳаллага борганимизда ҳашар айна авжига қиккан экан. Илгари Янги Тошкент аталмиш маҳаллага шу йилнинг 22 августда Генерал К.Ғофуров номи берилиши муносабати билан унга ёдгорлик ўрнатилганидан кейин маҳаллада қурилиш ишлари қизғин кетаётганди. Маҳалла оқсоқоли Баҳодир ака Собиров билан суҳбатимиз эса бўлажак сайлов, шунингдек, оқсоқол қандай бўлиши керак? - деган мавзуда кечди.

Оқсоқолнинг ким бўлишидан қатъий назар у ўзи сайланадиган жойдаги одамларни, хонадонларни яхши билиши керак. Биласиз, оқсоқолнинг бошида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишдан тортиб, кўчаларни тозалатишгача бўлган ишлар, шунингдек, маҳалланинг тўй-маъракаси-ю, уларни ўтказишга бошчилик қилишдек ташвишлари ҳам бор. Ана шулардан ортган оқсоқолнинг турли идораларга одамларнинг иши билан эшик қўчиб боришини айтинг! Хуллас, борган жойида мунгайибгина турмай гапини шартта-шартта айтиб, маҳалладошларининг муаммоларини ҳал қилиб кела оладиган одам оқсоқол бўлиши керак.

К.Ғофуров маҳалласидан Баҳодир ака ва Файзулла Илёсовнинг номзодлари кўйилди. Мазкур сайлов компаниясига тайёргарлик қизғин. Маҳалла аҳли ўз фикр ва мулоҳазалари билан биргаликда ўртоқлашмоқдалар. Бу маҳаллада сайлов 10 ноябр куни ўтказилиши мўлжалланган экан.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган Қашқар маҳалласини истеъфодаги полковник Уғлон ака Шокиров бошқаради. 3000га яқин аҳолиси бор. Маҳалла асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сай-

лов ўтказиш учун тайёргарлик яхши олиб борилмоқда. Фуқаролар йиғини кенгаши ишчи гуруҳи, 7 кишидан иборат комиссия, сайловга тайёргарлик кўриш бўйича иш режасини тузишган. Аҳоли иштирокида ҳисобот сайлов мажлислари ўтказилмоқда. Маҳалла оқсоқоли эса ўтказилажак сайлов ҳақида шуларни гапирди:

Маҳалланинг оқсоқоллигига халқ ўзи истаган одамни сайлаши учун тўла ҳуқуқ берилди. Оқсоқолнинг вазифаси катта давраларда, тўй-маъракаларда тўрага чиқиб ўтириш эмас, кўпнинг бошини қовуштиришдан иборат. Гап сайланажак оқсоқолнинг ёшида, лавозимида эмас, аксинча, унинг фаолиятида, сайловдан-сайловгача бўлган даврда қилган ишларига боғлиқ.

Ҳа, Уғлон аканинг гапларида жон бор. Улардаги ташкилотчилик қобилияти, маҳалланинг ободлигини, одамлар орасидаги аҳилликни, жипсликни кучайтиради.

Тошкент шаҳридаги Ибн Сино маҳалласи марказдан четроққа жойлашган, 20 та кўп қаватли уйлардан иборат. 6.500 дан ортик одам ашайди. Шунча одамнинг ташвиши маҳалла оқсоқоли Зоҳид Султоновнинг зиммасида. Яъни, ҳузурига муаммо билан келган ҳар бир фуқаронинг дардини диққат билан тинглайди.

Беш кўл баравар эмас. Баъзан бир соат ичида ҳам ота бўлишга ёки ака-ука бўлиб гаплашишга тўғри келади. Маҳалланинг ана шундай, ўзига яраша бузилмаган қонунлари бор. Маҳалла - маънавият ва тарбия ўчоғи. Аҳолининг тинч-хотиржам яшаши, шу маҳалладаги ёш авлоднинг қомил инсон бўлиб вояга етиши ҳаммамизга ҳам боғлиқ, аслида.

Чиндан ҳам, маҳалла - демократиянинг дастлабки тажриба ўчоғидир. Одамлар бир-бирларининг камчиликларини шу ерда айта оладилар, бир-бирларига шу ерда ёрдам берадилар. Кўпчиликнинг нигоҳи эса бу ерда яшаётган инсоннинг ноҳўя қадам ташлашига йўл қўймайди.

Тўғри, сайловда мажлисларимизда кўп масалаларни ҳал қилиб олаёلمиз. Аммо, энг асосийси ушбу компанияни баҳамжихатлик билан ўтказиб олишдир. Чунки, маҳаллалардаги осойишталик, номзод танлаш ва энг муносибларини оқсоқолликка сайлашимизга боғлиқ.

Дарҳақиқат, куйинчак оқсоқоллар билан суҳбатлашарканмиз уларнинг гапида жон борлигига ишонч ҳосил қилдик.

"Ватан остонадан бошланади", - дейишади. Демак, катта дунёга остонамиз маҳалладан бошланади. Уйлаймизки, шу азиз масканларга муносиб оқсоқоллар сайланади. Аҳоли ўртасида юқори обрў-эътиборга сазовор, давлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан муносиб раисларни халқнинг ўзи танлайди.

Басира САЙДАЛИЕВА

ИЖОДКОРЛАР МУХЛИСЛАР ДАВРАСИДА

ФАРҒОНА ВА АНДИЖОНДА

ОБУНА-2004



Фарғона ва Андижонда мухлислар бизни гоятда қуюқ кутиб олишди. Дала ва ўқув муассасаларида бўлган суҳбат ва учрашувларда газета-журналларга обуна, маънавият, маърифатнинг ҳаётимиздаги бебаҳо ўрни ҳақида сўз борди.

СИРДАРЁДА

Сирдарё вилояти Бобёвут тумани «1-Бобёвут» ширкатлар уюшмасида бўлганимизда пахта терими ўзининг қизгин палласига кирган эди. Газетхонларимиз билан учрашувимиз ҳам қизгин, мазмунли ўтди.



"Оила ва жамият" газетаси ўқув-тарбия ишларимизда бебаҳо қўлланмадир. Шу сабабли газетанинг 2004 йил обунасини барча мактабларимиз ва боғчаларимизда қизгин ташкил этмоқдамиз, - дейишади Бобёвут тумани маорифчилари Барно Холмухаммедова ва Холниса Ёқубова

Пахта-терими бошлангандан бери ёшларимиз теримда илғорликни қўлдан беришмаяпти. "Оила ва жамият" уларнинг доимий ҳамроҳидир, - дейди туман халқ таълими мудир Тўлқин Мирзақобилов.



Ғофуржон Алиев 1-Бобёвут ширкатлар хўжалиги раиси: "Давлатга пахта сотиш планини бажарадиган қувончли дамларимиз ҳам яқин. Умрим пахта далаларида ўтмоқда. Яқинда 50 ёшга тўламан. Севимли "Оила ва жамият" ўқувчиларини Бобёвутга олтин тўйимга таклиф этаман", - дейди у.



Ўз мухбиримиз

ҲАВАСИНГИЗНИ КЕЛТИРАДИГАН УШШАР

Янгиқўрғон шаҳарчасидаги "Бешбулок" маҳалла фуқаролар йиғинида ишлар шунчалик бисёрки, уларни кўриб-билиб, амалга ошираётганларга:



Бичувчи-чевар Гулбахор Асқарова мижоздан буюртма қабул қилмоқда.

- Умрларингиз зиёда бўлсин! Қилаётган ишларингга кўз тегмасин! - дегимиз келиб, қўлга қалам тутдик. Бизни суҳбатга чорлаган маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Махфиратхон Меҳмононова:

- Ишлайман деган имкон топиб меҳнат қилса кам бўлмаслиги сир эмас. Маҳалламиздаги 520дан ортиқ хонадон уюштурувчилари истиқомат қилаётган 820 нафар оилаларимиздаги 3000 нафарга яқин аҳолимизнинг аҳил-иноқлиги қўли-баракали яшашимизга сабаб бўляпти, десам муболага бўлмайди, - деб сўз бошлади у.

Чиндан ҳам бу ҳақ гап. Шаҳарчининг қоқ марказида жойлашган маҳаллада замон талабига мос тадбиркорлик йилдан-йилга авж олмоқда.

Бундан уч-тўрт йил бурун чеварчилик, косибчилик ва сарторошлик соҳаси уста-шогирд дастури бўйича касб ўргатиш ишлари бошланганди.

Мана энди эса Азиза Турсунова, Замира Юсупова, Гулбахор Асқарова, Умида Мирражаббоевалар қўли гул чевар бўлишиб, мижозларига арзон нархларда кийим-бош тикиб беришмоқда. Боз устига, ҳар бир-

лари яна уч-тўрттадан ёш қизларни ёнларига олиб устозлик қилишмоқда.

Бир маҳал сарторош Зафаржон Юнусовда шогирдлик мактабини ўтган Дилмурод Шокировни беминнат хизматидан энди катта-ю кичик миннатдор. У ҳар ойга маҳалланинг банкдаги ҳисоб рақамига ўн минг сўмдан маблағ тушириб бераёпти.

5 сентябр "Оила куни" танта-насида "Энг ибратли оила" кўрик-танлови ўтказилди. Унда Хабибулло ака ва Турғунжон ая Аҳмадалиевалар хонадони голиб деб топилди.

Шу йилги баҳорда бўлиб ўтган табиий офат-жала оқибат-

- дейди котиба Махфиратхон Меҳмононова. - Биз нафақат кўча ва гузарларимизни кўркамлаштиришга эътибор бердик, балки ҳозирги ўтиш даярини қийинчиликларига дош бераолмай уриш-жанжал қилиб, ажралиб кетишга бориб қолган учта оилани ҳам тикладик. Беғуноҳ ўғил-қизлар сарсон-саргардон бўлиш азобидан кутулдилар. Мана шу каби хайрли ишларнинг бошида маҳалла фуқаролар йиғинига узоқ йилдан бери сардорлик қилиб келаётган Мухаррамхон Алихонваннинг фидоийлиги бор. Уни яқин кўмакчисига айланган маҳаллани педагог-тарбиячиси Ҳавоноҳ Жакбарова, ва Сарбархон Сайфиддиновалар ҳам маҳаллани жиҳслаштиришда бошқошлик қилишмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш мақсадида маҳаллада тузилган "Саодат" ва "Бешбулок" қизлар спорт жамоаларига туманда тенг келадигани йўқ деса хато бўлмайди.

Аҳилликларидан ишлари ривож топиб, диллари обод бўлаётган "Бешбулок" да яқунланаётган "Обод маҳалла йили" кўнгилдагидек ўтаяпти. Буни ҳўкмингизга ҳавола этилаётган суратлардан билиб олишингиз мумкин:



Якка - ёлғиз ногирон Мўйдин ота Маҳмудов уйини маҳалла усталари таъмирлаб беришди.

тида жуда катта зарар кўрган "Дўстлик" кўчасидаги ўнга яқин ҳовлига нафақат моддий ёрдам кўрсатилди, ва ҳашар йўли билан ҳам кўмаклашилди.

- Шуниси эътиборлики,



Маҳалладаги 19- ва 24-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўзаро беллашмоқдалар.

Матн ва суратлар муаллифи:

Асқарали МАМАТОВ
Наманган вилояти

Тўй - МАЪНАВИЯТИМИЗ ОИНАСИ

Ўзбекларга тўй ярашади. Илгари ота-боболаримиз тўй маросимларини нишонлаш билан биргаликда турли хил анъаналарни ҳам олиб боришган. Яъни кўпқари (улоқ чопди) кураш, арқон тортиш каби кўнгилочар ўйинлар ўтказишган. Бу анъаналарни ҳозирда республикамизнинг камдан-кам жойларида учратишимиз мумкин. Лекин афсуски бугунги кунда тўй маросимларимизнинг бузилиш ҳоллари авж паллага чиқиб бораёпти. Яъни одамларимиз онгига манманлик, ўзини кўрсатиш каби ғалати ақидалар ўрнашиб қолган. Бунинг оқибатида тўйларимиз дабдабалишиб кетишига, исрофгарчиликка кенг йўл қўйилишига олиб келмоқда. Назаримда, халқимиз орасида ғарб менталитетига яъни, "Европага тақлид" кучайиб бораётган кўриниш. Тўй маросимларимизга бутунлай ёт унсурлар қоришиб кетаётганига ҳар бир тўйда амин бўлиб қўялсан киши. Урф-одатларимиз бузилишидан бери "ЗАГС" маросимини олайлик, унинг учун ёлланаётган қатор-қатор машиналарга қилинаётган ҳаражатларнинг зарурати нимада экан? Ёки машиналарнинг камроқ бўлиши ФХДЁ бўлишида рўйхатдан ўтишга ҳалақат берадими? Бундан ташқари келин-куёвлар ФХДЁга кетаётган машиналар, яъни келин-куёвлар ўтирган машина устидан миллий сўммимизни сочишига не ҳожа, бу қандай маъноларни англатаркан? Шунангиз тўй ихлосмандлари борки улар тўй олдида бир-бирларига тилло тақинчоқларни совға қилишни одат тусига киритиб олган. Айтилик, икки томондан бири қимматбаҳо тақинчоққа маблағ тополмай қолса, унда нима бўлади. Ота-она билан фарзанд ўртасида жанжал чиқиши аниқ-қу. Бундай ҳолат бўлган воқеадир. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, қайси тўйга бормайлик спиртли ичимликлар дастурхонимиз "кўрки" бўлиб турганига кўзингиз тушади. Улар бу "шайтон сувини" қадаҳларга тўлдириб келин-куёвларнинг бахти-саодати, соғлиги учун кўтаришди. Ахир минг йилликдан-да узоқ тарихга эга қадриятларимиз, шарқий менталитетимиз бор-ку. Менимча соғлиқ, бахт тиллашни соф муслмонча, ўзбекча қилиб, халқ билан биргаликда дуо берсалар, қадаҳ кўтаришдан минг бора афзал эмасми? Биргина шу тўйга тўйларимиз охирига етмай тугаяпти, жанжаллар келиб чиқаяпти. Тўғриси бу каби гайри одатларимизни гапирверсак охири кўринмайди. Айтганча яна битта янги ихтиро кашф қилинган. Олайлик, тўй бекаси қизи билан хайр-мазур қилиб, кейин кўвётўрага атаганини совға қилишади. Бу ҳам бўлса "Nexia" ни калити. Ахир буни қандай баҳолаш мумкин. Агарда энгил автомашина калитини тутқазмаса, у "қайноталик лавозимига" сайланмай қоладими? Бўпти, бу одат ривожланди ҳам дейлик, қян келажакда ҳамма бўлғуси қайноталар биттадан машина калитини қаердан топади?

Жамоатчилик орасида кенгроқ кулоқ ёйган бу каби "урф-одатларимиз"ни олдини олишга қаратилган тадбирлар олиб бориляпти. Лекин барибир халқимиз бундан тўла халос бўлолмаяпти. Маҳаллий давлат органининг сўнгги тармоғи бўлмиш, маҳалла кўмиталари бу ишга янада эътиборли, йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлиб хизмат қилсалар, миллий қадриятларимизни келажак авлодга чиройли қилиб етказиб берган бўламиз.

МУЛОҲАЗА,
МУНОҲАДА,
МУНОЗАРА.

Жамоатчилик орасида кенгроқ кулоқ ёйган бу каби "урф-одатларимиз"ни олдини олишга қаратилган тадбирлар олиб бориляпти. Лекин барибир халқимиз бундан тўла халос бўлолмаяпти. Маҳаллий давлат органининг сўнгги тармоғи бўлмиш, маҳалла кўмиталари бу ишга янада эътиборли, йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлиб хизмат қилсалар, миллий қадриятларимизни келажак авлодга чиройли қилиб етказиб берган бўламиз.

Жамоатчилик орасида кенгроқ кулоқ ёйган бу каби "урф-одатларимиз"ни олдини олишга қаратилган тадбирлар олиб бориляпти. Лекин барибир халқимиз бундан тўла халос бўлолмаяпти. Маҳаллий давлат органининг сўнгги тармоғи бўлмиш, маҳалла кўмиталари бу ишга янада эътиборли, йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлиб хизмат қилсалар, миллий қадриятларимизни келажак авлодга чиройли қилиб етказиб берган бўламиз.

Жамоатчилик орасида кенгроқ кулоқ ёйган бу каби "урф-одатларимиз"ни олдини олишга қаратилган тадбирлар олиб бориляпти. Лекин барибир халқимиз бундан тўла халос бўлолмаяпти. Маҳаллий давлат органининг сўнгги тармоғи бўлмиш, маҳалла кўмиталари бу ишга янада эътиборли, йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлиб хизмат қилсалар, миллий қадриятларимизни келажак авлодга чиройли қилиб етказиб берган бўламиз.

ЎЗМУ талабаси

Дилмурод

"Хулқи зебо оила аъзолари игга тизилган дур ва гавҳар каби бир-бирларини беэйдилар" дейилади халқ ҳикматида. Ҳозирги кунда шундай намунали оилаларни кўпайишига маҳалла фаоллари билан хотин-қизлар кўмитаси катта эътибор беришмоқда.

Темир ака ва Фароғат ая Йўлдошеввалар оиласи аъзолари ўзининг самимийлиги, тўғри сўзлиги, камтаринлиги ва меҳр-муруватлилиги билан кўча ва маҳалламизда танилган намунали оилалардан биридир. Саъдий Шерозий айтганидек:

Дилназир онангу унинг кучоғи, - Жаннату, кўкраги ҳаёт булоғи.

Она жон парварини қилувчи дарахт, Энг ширин меваси фарзандида бахт.

Темир ака оламдан ўтганларига бир йилдан ошди. Фароғат ая эса етти-сак-

киз йилдирки, оёқ-қўллари ишламай бир жойда ётиб қолганлар. Лекин ая ўз тақдирларидан ҳеч нолимайдилар, сабаби оила аъзолари ардоғидалар.

Маҳалламизда меҳр-оқибат кучли. Байрам, хайитда маҳалламиз ёшлари, келинлари, ёш қайноналар биргаликда барча

тарбиялаган фарзандларига ҳавас билан қараб, кўча қариялари маҳалламизда шундай фарзандлар кўпайишини кўл очиб дуо қилишади. Обод маҳалла йилида барча маҳалла-ларда яхши оилалар кўпаяверсин, пиру бадавлат отахонларимиз ва мунис онахонларимиз ҳар бир хонадон файзи бўлиб, қарилик гаштини суршсин. Шундай болаларни тарбия қилаётган барча маҳалламиз аёлларига тасаннолар айтиб, Фароғат аяга эса, Оллоҳ яна ҳам сабр-тоқат бериб, умрларини узун қилсин, дардларига даво берсин. Фарштадек бўлиб неварачевараларини роҳатини кўрсинлар.

Раҳноҳон РАҲИМБЕКОВА

Тошкент шаҳри
С.Раҳимов тумани

ОИЛАМИЗ ГАЗЕТАСИ

Июл ойи охирида рўзнома атиги бир кунгина кеч чикди. Қизларимдан Нозимихон (уч қизим бор) ишдан қайтиб-боқ ҳали остона ҳатлаб ўтмай туриб: " - Дадажон бугун рўзномамиз чиқмабди", - дея маъюсланиб кириб келди. Албатта бозор иқтисодиёти-

га қадамба-қадам ўтилаётган бир даврда жамиятимиз учун, жамиятнинг бир ячeyкаси ҳисобланган оила учун "Оила ва жамият" рўзномаси жуда зарур ва ҳар бир оила учун рўзнома бир дастур бўлиб қолмоқда. Рўзнома халқчилигини

таъминлаш ўқувчилар кўнглини топа билиш, таҳририятдан жуда катта куч, билим, саботни талаб этади ва мен бунга аминманки таҳририятни барча ҳодимлари бу вазифани шараф ила уйдаламоқдалар. Кўп сонли ўқувчилар номидан ижодий жамоага раҳмат-

Газетхон - газета
ва ҳаёт ҳақида

лар айтиб, янгидан-янги муваффақиятлар, оилавий ҳаётингизда бахту-саодатлар тилайман, рўзнома эса кўплаб оилаларни забт этсин, - деб тилак билдираман

Расулжон РАҲМОНОВ
Сирғали тумани

АЁЛ БОШИМ ЕТГАН ОСМОНИМ

Озода Бекмуродова



Шеър дарду қувончдан - ҳаёт сўқмоқларининг машаққатлари, илк севги шодлиги-ю ҳасрати, висол шуқуҳи ва ҳижрон қайғуларидан пайдо бўлади. Озода Бекмуродованинг шеърларини ўқиган одам бунга юз қарра ишонади.

Озода дардли шоира, юрагида қувончдан қура ҳасрати кўп шоира. Аммо, қайғуни "оппоқ қайғу" деб номлаган шоиранинг дарди чорасиз аламга айланмаган, унинг дардини қандайдир бир сирли ишонч ва умид ёритиб туради. Чеки йўқ зулмат аро йўл қидирган инсонга мадад бағишлаган митти юлдуздек бу ишонч ва умид ёғдуси шоирни ҳасиз аламлар ичида қолиб кетишидан сақлайди, уни нурафшонлик сари етаклайди.

Мен, энг аввало, шоирдан мана шу ёруғлики сақлаб қолишини тилаб қоламан. Мен ўзим бундан неча йиллар аввал ёзган бир шеъримда:




**Ғазабдан сақлан, шоир,
Нафратга берма дилинг.
Йўлдошинг бўлсин меҳр,
Шафқатли бўлсин қўлинг...**

деган сатрларни битган эдим. Чунки, ҳаддидан ошган алам, ғазаб ва нафратга айланади. Ғазаб ва нафратга тўлган юракда эса муҳаббат ва ишончга ўрин қолмаслиги мумкин.

Мен Озоданинг мана шундай ёруғ ва оппоқ қайғу тўла шеърлари ўқувчилар қалбини ҳасратлардан поклаганига, бахтли ва шуқуҳли онлар келишига катта умидлар уйғотишига ишонаман. Ҳақиқий шеър шу мақсадда ёзилади, ҳақиқий шоир шу мақсадда ижод қилади.

Хуршид ДАВРОН

Ўзбекистон халқ шоири



ЎҒИЛЛАРИМГА...

(Боши ўтган сонларда.)

94. Ўғлим, кечирим, гоҳо афсус, бу инсонийлик аломати... Мен нимани кечиролмайман? Диёнатсиз инсонларни! Тўй, маъракаларда синфдош, курсдош, қурлодошларнинг, ота-оналаридан юқорида ўтириб, ширакайф бўлишлари, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўйнашлари, суюқлик қилиб, ўйинчи қизларнинг қилиқ қилишларини кечиролмайман. Ул сендир, набирамдир... жойни, ким билан ўтиришини билсин, ўшандагина ота-онанинг нон тузи оқланади. Афсус, кечиримдан аввалроқ уларнинг юз бермаслиги учун олдини олиш хусусида бош қотир! Етти ўлчаб, бир кес! Афсус, кечирим, юракларга бори қадалмасин! Юрак-соат, умр-ҳисобчиси, юз йиллаб, эҳтимол, ҳисоблаши керакдир. Султонга ҳам, гадога ҳам, умр бир марта берилади ўғлим!

Афсус ва кечиримнинг ками яхши! Яшашнинг, ишнинг, касбнинг қўли, кўзини, ўзини, йўлини, билмоқ шартлигини ҳеч қачон хотир, амалиётингдан чиқарма!

95. Ўғлим, Эргаш номим - ўғлидирман Ато Сафонинг. Авлодларим, кўчасидан ўтганлар, элга, юртга қилмоқ жафонинг. Билганлардир, эл-юртга меҳнат қилиб бўлмоқ содиқ вафонинг... Мурда туғулибон, йўғрилдим, Аранг, беш мучалга ўғрилдим. Умр қадар эл-юрт хизматига

берилиб,
Хамма-қудрат, шукр, инсон бўлиб эврлдим.
96. Ўғлим, қизим, хотима сўзим...
Умрим - йўлда, қалам-қўлда,
ўғил-қизларим.
Элда-юрим, сўзни-териб,
ўнди қайдларим.
Ўқиб-билиб, ўқиб-синаб,
қилсанглар амал,
Сизни дейман, ёруғ-юзим,
қўрар қўзларим.
Билим олиб, касб танласанг,
йўл бўлар ёруғ,
Бахтлидирсан, меҳнатинг-ла,
таратсанг довруғ.
Тинчлик, дўстлик,
ҳамкорликка чўза олиб қўл,
Бахтлидирмиз, яратолсак,
янги йўл-йўриқ!

Эргаш АТОВЕВ

Навоий вилояти Қизилтепа тумани Тошрабат ш./х.

Мени ҳеч ким соғинмайди,
Сиздай қақраб.
Менга ҳеч ким илҳақ бўлмас,
Сиздай Она!
Йўллардаги майсалардан исмим сўраб,
Кунботишга термулмайди яна-яна.

Тўқилмайди менга ҳеч ким,
толье тилаб Фариштадек туриб субҳи-содиқлардан.
Болагим изи қолган қирга бокиб
Шаҳодалар сўрамайди,
Борлиқлардан!

Мушфиқинам!
Яхши фарзанд бўлолмадим ўзгалардай,
Кунларимни ҳижрон енгди.
Ютди севги...
Юрагимга куёш янглиг исиндилар,
Юрагимни иситмади сизнинг каби.

Сўнг...
Бир меҳр истадим сизданда буюқ,
Меҳрсиз йўлларда кетдим сочилиб.
Кўзим ёшларига қўл ювди кимлар,
Ҳеч ким йиғлолмади сиздай қўшилиб...

Мени ҳеч ким соғинмайди сиздай қақраб,
Менга ҳеч ким илҳақ бўлмас,
сиздай она!
Йўллардаги майсалардан исмим сўраб,
Кунботишга термулмайди яна-яна...

ИШОНИНГ!
Сизга ҳеч изтиробим йўқ,
Ҳеч бир андуҳим йўқ сизга аталган.
Сизнинг наволардан,
Сизнинг ғамлардан,
Бу зариф юрагим навқирон толган.
Исмингиз жонимга солмайди титроғ,
Токи борлигингиз юлдуз фаслимас.
Тўқилсам кўнглимга тўқилдим кўпроғ,
Оғринсам ўзимдан оғриндим абас.
Ҳазонли боғлардан мастона ўтдим,
Аламли куйларга бермадим жавоб.
Юрагим ўфқдай қонталаш эмас,
Маним чекканларим шунчаки азоб.
Ишонинг!
Таназзул онлари битди.
Мағлублик чоҳидан мардона ўтдик,
Ҳатто ўлмас истаб,
Ғолиб ва эрта!

Биз сизга энг сўнгги шеъримиз битдик!
Унутинг!
Сизга ҳеч изтиробим йўқ.
Неки гуссаларим ўзимга энди.
Сиз тўққан япроғлар қирғоқда қолди.
Сиз кезган денгизнинг тўлкини тинди...



ЎҒЛИМ НАХОТБЕККА
Мен барчадан юмдим кўзимни,
Мен барчадан кўнглимни уздим.
Дўсту ёрдан ювдим кўлимни,
Ўғлим энди ўзинг бўл дўстим.
Ўғлим энди ёрит умримни.
Кўзларимнинг зийёси бўлгин,
Ҳисларимнинг бўлгин дўнёси.

Тўзонларда куйганда кўзим,
Сўзонларда сўнганда изим,
Тангри тутган порлоқ ёғдада
Зар нурлардан яралган ўзим-
Болам олтин суюгим, кўзим,
Кунларимнинг офтоби бўлгин,
Тунларимнинг бўлгин моҳтоби.

Меҳр бериб хорликни кўрдим,
Бағир бериб зорликни кўрдим,
Худого иқорликни кўрдим,
Сени берди, борликни кўрдим,
Яратганга ёрликни кўрдим,
Ҳаётимнинг қаноти бўлгин,
Барбодимнинг бўлгин бунёди...

Аёл бошим етган осмоним,
Рўшнолигим,
Шамсли давроним!
Баланглигим, буюқ имконим,
Султонлигим, зафарим, шоним,
Бағрим, жигарбандим-жаҳоним,
Йўлларимнинг чироғи бўлгин,

Кўлларимнинг бўлгин байроғи!

Хаётимда қаттиқ силкиниш,
Юрагимда сўнгсиз ўртаниғ...
Бу не йиғи, бевақт тўқилиш?
Бу не видо,
Бу не жудолиғ.
Онасизлиқ шамсизлик экан

(ОНАИЗОРИМ-УСТА ҚАЛҚОН ҚИЗИ УЛДОНИНГ СЎНМАС ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАЙМАН)

Бу тийрайлик бошимга ёғди,
Нигоҳимга санчилар тикан,
Дийдор ғами тобора оғир.
Оғир меҳрибонинг бўлмаса,
Ҳеч гамхўринг бўлмаса ёмон.
Онасизлиқ қадрсизликму?
Наҳот баланд кунларим тамом.
Шон-шарафим кимга, ким учун,
Ким қувонар, ой бўлсам агар.
Ким бахтимни сўрайди бутун,
Дуо қилиб ойдин кечалар.
Кўнглимнинг хур истакларига,
Фақат онам, бир онам кўнди.
Тош йўлларга термулиб илҳақ,
Ким интизор кутади энди.
Ким кечирар гуноҳлар қилсам,
Тавба десам Худодик қилиб,
Ким аяйди яраларимни,
Онам каби фидолик қилиб,
Узун тунлар боламни қучиб,
Ичикаман ғамғусоримга...
Жигарбандим шодланиб учиб,
Талпинди қуюқ бағримга.
Юрагимда қонли сўзонлар
Ҳеч ким артмас аччиқ ёшимни,
Тангрим, ўзинг силагин энди
Бевақт эгик сағир бошимни.
Ҳаётимда оғир йўқотиш,
Қора ҳасрат тубига чўқдим.
Чекканларим бўлса эди, туш
Босинқираб уйғониб кетсам.

Ёшим 16да. Ҳозирда коллежининг 2-босқич талабасиман. Одатдагидек ўқишдан кайтаётган синфдош дўғонамни учратиб қолдим. Унинг эгинида жинси шим, оқ "спартивка" бор эди. Бу кийимлар унга қуйиб қўйгандек ярашиб турар эди. У билан сўрашиб, хол-аҳвол сўради ва манзилни қисқартириш учун гаплашиб кетдик. Транспортдан тушиб, йўлда суҳбатлашиб кетдик. Мен ўз уйим рўпарасида турар эдим ва хайрлашиб учун оғиз очаётган вақтимда, унинг:

- Уйингга кириб, кийимимни алмаштириб олай, - деган гапидан сўнг, уни уйга таклиф қилдим. Жинси шим ўрнини узун юбка ва бежирим кофта эгаллади. Бу кийимлар унга аввалги кийимларидан кўра

ярашиб турар эди. Ва у уйга кетди...
Бу холдан таъсирланиб кетдим! Ўз уйига сипогина бўлиб, кириб келаётган фарзандини кўрган ота-она, не ажабки кўчада бошқа бир "либос"да учра-

КАВШАЁТГАН СИГИРДЕК...

тиб қолса!... Хаёлимда дўғонамни оқлашга ҳаракат қилсам-да, унинг ота-онасига ачинар эдим. Баъзи бир қизларимизнинг замондан ортада қолмаслик, "мода" экан деб, ўзларига ярашмаган кийимларни деб, баъзида ота-оналаридан яшириқча кийиниб юришлари ўзбекона урф-одатларимизга тўғри келармикан? "Қўза кунда эмас, кунда синади". Барибир бу сирлари очи-

либ қолса, ота-оналари олди-да юзлари қизармасмикан? Албатта, оила-тарбия ўчоғи. Буларнинг барчасини билиб оиладан, кўча кўйидан ибрат қилиб олишимиз мумкин. Ота-оналаримизнинг баъзи бир характерлари

борки, у биз яъни фарзандларда акс этади. Ота-оналар фарзандларига ибрат бўлишлари даркор. Рўпарангиздан ўтиб кетаётган қизга бир муддат, у ўтиб кетганига қадар кўз югуртира-сиз. Албатта, биринчи баҳонани сиз унга кийинишга қараб белгилайсиз. Қизларнинг мода кетидан қувиб юришлари, кўп ҳолларда бачкана (кийимларни) кийиб олишларига сабаб бўла-

ди. Қизларнинг ҳуснига хусн қўшувчи бу сочдир. Ҳар хил бўёқлар таъсиридан унинг аввал қандай рангда эканлигини ҳам унутиб қўямиз. Бошқа миллат вакилларига тақлид қилиб сочларини сап-сарик қилиб куйдириб олишлари, "ярашса ҳам" майли. Бекатларда турар экансиз, қизларнинг оғиздан чиқаётган гап-сўзларни эшитиб, наҳот бу ҳам "ўзбек қизи" бўлса, деб ёқа ушлайсиз. Оғизларидан сақич тушмайдиغان қизларга нима дейсиз? Қаршингизда худди кавш қайтараётган сигир турганга ўхшайди. Бу ён-веридигаларга нисбатан хурматсизлик белгиси эмасмикан? Наҳот улар бу ҳақда ўйлаб кўришмаса...

Нафақат қизлар, ҳозирда ўғил болалар ҳам замондан ортда

ФИКР

қолмасликка ҳаракат қиладилар. Улар ҳам қизларга тақлид қилиб, сочларини бўшамоқда (баъзилар). Бу нима ҳавасми ёки олифтагарчилик? Бу олифтагарчиликдан бошқа нарса бўлмаса керак.

Тўғри, мен бу ишларни қилмаслик керак демоқчи эмасман, кийиш керак, бўяш керак (қизлар), фақат дид билан. Қизларнинг ички дунёсини гўзал бўлиши кўп ҳолларда уларнинг кийинишларига ҳам намоён бўлмасмикан?

Гулноза ВАҲОБОВА
Тошкент вилояти Чиноз шаҳри

ЭРКИНЛИК НАШИДАСИ

Тахририятимизга қадди-қомати келишган, новча, хушсурат йигит кириб келди. Салом-алиқдан кейин нима мақсадда келганини суриштирдим.

- Асли сирдарёликман. Уйдан чиқиб кетганимга 8 йил бўлди, - дея гап бошлади ўзини Хусан деб таништираган йигит. - Шундан бери Ташкентдаман.

- **Нима сабабдан уйдан чиқиб кетганисиз?**
- 9-синфни битириб, дурадгорликка ўқидим. Қишлоқда тайинли иш йўқ. Оиламиз катта. Ўз насибамни ўзим топиб ейин, ота-онамга ёрдам тегса тегсин, оғирим тушмасин дедим-да. Аввал мардикорчилик қилдим. Кейин ўзимнинг соҳам буйича иш топиб, ҳозир мебел ишлаб чиқариладиган ҳаёда ишляпман. Ишларим яхши, даромадим ҳам ёмон эмас. Лекин, кейинги пайтларда ўзимни галати ҳис этаман. Гўё ҳеч кимга керагим йўқдекман.

- **Шунча йилдан бери таниш-билиш, ёру жүра орттирмадингизми?**

- Уларнинг йўриги бошқа. Кўчанинг тафти кўчада қолади. Бир рус кампирниқида 15 минг сўм тўлаб ижарада тураман. Эрталаб уйдан қушдай учиб чиқиб, кечкурун оёғимни судраб қайтаман. Кампир инжиқ бўлиб қолган. Нима деса хўп дейишим керак. Йўқса мингир-мингир қилиб қулоқ миямни қоқиб ёб қўяди. Уни ҳам тушунаман. Угли қамокда. Озгина нафақасининг ҳам бир қисмини унга юборади. Бечора қалтираб қолганидан овқат ҳам қилолмайди. Ҳаммасини ўзим қиламан.

- **Хар қалай ётиш-туриш жойингиз, ишингиз тайин экан, сизни нима бевозта қилади?**

- Ёлғизлик...
У бу сўзни шундай бир ҳазин оҳангда айтдики, бўғиздан нимадир бўғандай бир лаҳза жимиб қолди. Гўё бармоқлари увишайтгандек асабий ҳолатда уларни уқалай бошлади. Кўзларимга тик қарай олмай, дераза томонга икки-уч бор қараб олди. Қарадимки, гапни давом эттириши учун бир туртки керак.

- **Исингизга қараганда эгизак бўлсаларингиз керак, шундайми? - уни гапга қорлайман.**

- Тўғри, Ҳасан-Хусанми.
- **Айтишларича, эгизакларнинг кайфияти бир-бирига боғлиқ бўлarmiш. Сиз шунга ҳеч ҳис қилганми?**
- Йўқ, Ҳасан акам билан на юз тузилишимиз, на феъл-атворимиз ўхшайди. Унга дунёни сув босса тўпигига келмайди. Мен аксинча, ўта таъсирчанман.

- **У оилада кимга ўхшайди?**

- Отамга.
- **Сиз-чи?**
- Мен ҳеч кимга ўхшайман. Болалигимнинг элас-элас 4 ёшлигимни эсламан. Кўчада чанга ботиб, ўйнаб, кечда уйга қайтганимизда Ҳасан акам, мени ва Тоҳир укамни онам чўмилиртарди. Улар жон-жон деб чўмилишарди-ю, мен ҳар чўмилишда бир йиғлаб олардим. Ўша пайтлари ҳам ота-онамиз бизга бир хил меҳр беришса ҳам, негадир мен ўзимни тортиб турардим. Нимадир менга етишмаётгандай туюларди. Нималигини ўзим ҳам билмасдим. Сал ақлим кириб ичимда мен нимага оила аъзоларимга на ички, на ташқи кўрinishимдан ўхшайман деб уйлاردим. Шу хусусида гап кетса, онам: "Сен бонбонга тортигансан, у киши ҳам новча, юз тузилиши ҳам сенга ўхшарди", - деб қўярдилар. Лекин мен бобомни на суратларини, на ўзларини ҳеч кўрмаганман.

- **Ота-онангизни яхши кўрасизми? Уларга меҳрингиз тортадими?**

- Уйдан чиқиб кетганим учунми, уларни кўп эсламайман. Ҳар 6 ойда, кўп бўлса 1 йилда бир бориб кўраман. Ота-онам сифатида ҳурмат қиламан. Аммо тез-тез эслаб, соғинмайман.

- **Ёшингиз ҳам 24 га кирибди, тўй қачон?**

- Ўзим шу хусусида "Оила ва жамият"га келдим. Бахтим очилса сизни ҳам тўйга айтман.
- **Нима, ота-онангиздан бесуроқ, уларнинг розилигисиз уйланмоқчимисиз? Аслида эгизаклар бир кунда уйланишади. Ҳасан акангиз билан бир кунда уйланишларингиз ҳақида ҳеч сўз очмаганим ота-онангиз?**

- Мен эсимни таниб эркин яшашга ўргандим. Шу боис улар ўз эркимга қўйиб қўйишган. "Кўнглингга ёққанини топиб уйланавер", - дейишди. Очиғини айтсам,

мусофир юртда яшаганингиздан кейин ҳар босган қадамнингизни ўйлаб босишингизга тўғри келади. Бир-иккитаси билан танишдим. Хув, осмондан келишди. Тилла тақинчоқ олиб беринг, машинангиз борми? Қандай ишда ишлайсиз? Маошингиз қанча? Уй-жойингиз борми ва ҳоказо саволларни беришади. Инсон боласи дунёга яланғоч келиб аввал йўрқакланади. Кейин кийим-бош қияди, ўқийди, ишлайди, секин-аста ҳаммаси бўлаверади-да. Ҳеч ким осмондан қасбу қорла, уй-жойли, мансаб-мартабали бўлиб тушмайди-ку, тўғрими? Мен танишган қизларнинг талаби катта. Мен эса мустақил яшаб, ўз пешона терим билан яратмоқчи ҳаммасини. Кечагина уйдан чиқиб кетганимда ўқувчи эдим. Мана орадан саккиз йил ўтиб, мақтанмайман-у, устозим ўргатгандан зиёд мебелларни ясапман. Бугун ундай, эрта ундай инсон ўз йўлини топиб кетади. Мени шу йўлда ёлғизлигимни ҳис этапман. Ишдан қайтиб, кечки овқатни ейману газета-журнал титқилайман. Телевизор кўраман. Кампир ўз хонасида данг қотиб улаб қолади. Хонамининг тўрт девори билан сўзлашолмасам. Улфатчилик, жўрабозлик қилишга, кечалари кўчаларда тентираб юришга одатланмаганман. Ичимда нимадир мени ундай қилма, бундай қилма, деб тергаб туради. Шу босдан ҳам тавбақал қилишга журъатим етмайди. Қорним тўйса, кайфим чоғ бўлса шу кун хайит деб юрган тенгдошларимга ўхшай олмайман. Балким бу менинг қусуримдир.

- **Йўқ, бу сизнинг туғингиз. Сабрнинг таги олтин ука. Сабр қилинг. Сизни тушунадиган, қадрингизга етадиган, онаси ўлмаган бир қиз пешонангизга ёзуллик. Оллоҳ белгилаб қўйган вақти-соатида албатта бахтингиз очилади.**



Хусан билан анча гаплашиб ўтирдим. Инсон боласи қаерда яшамасин кўникади, мослашади. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғини, оиласини, ота-онаси, жигарларини хибл унутгандек бўлади. Лекин бу кечиб кетди, деган эмас. Шу борада Хусанни ҳам тушундим. У эркинлик истади, бунга эришди. Уни шундай йўлга бошлаган ички турткиси ўзига ва ёлғиз Оллоҳга аён. Менга эса қоронғу. Энди эса ёлғизлик исканжасидан қутулмоқчи. Ишонманки, у бунга ҳам албатта эришади. "Интилганга толе ёр", дегани шундай бўлади аслида.

Мен бу билан ҳар ким ҳам оиласидан чиқиб кетиб, мустақил яшаса бахтли бўлади демоқчи эмасман. Ўзга миллатлардан фарқи улароқ бизнинг ҳам урф-одатларимиз, анъаналаримиз бор. Биз: "Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас", нақлга амал қилган ҳолда, жигарлар, қариндош-уруғлар жипслашиб яшайди. Хусанни ота-онасига, жигарларига, туғилиб ўсган қишлоғига талпиниб яшамаслигининг менга қоронғу бўлган томонлари бормикан, у бунга оҳмади. Табиатан оғир-босиқлиги бунга йўл бермади. Гап орасида кула-кула: "Туғруқхонада ҳамширалар мени билмаган ҳолда алмаштириб қўйишганмикан", - деди. Балким шундай-дир. Халқда: "Бир палақда ҳар хил қовун тугади", деган гап бор.

Нима бўлганда ҳам унга бахт тилайман. Бу ҳаётда ҳеч бир нарса боқий эмас, шу хусусида ёлғизлик ҳам. Ёлғизлик ояғ ярашади, инсонга эмас.

Тоҳир

Мен Гулистондан келдим, - дея гап бошлади тахририятимизга келган аёл. - Исмин Фарида. Ҳозир сизга айтмоқчи бўлган гапларимни қоралаб келганман. Қўшимча саволларингиз бўлса хатни ўқиб бўлиб бераверасиз. Сиз ҳам оиласиз, мени тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Яна ҳар хил хабл кўнглингиздан кечмасин, - дея сумкасидан бир конверт олиб узатди. Конверт елимланмаган экан. Ичидаги 4 варақли кеткали вараққа ёзилган хатни олиб кўз югуртираман.

"Мен "Оила ва жамият"ни 1998 йилдан бери ўқиб келаман. Анчадан бери хат ёзмаман деб ҳаракат қиламан-у, истиҳола қилиб юрдим. Газетангизда босилаётган инсонларни ҳаёти ҳақидаги мақолаларингизни айримларини кўпинча йиғлаб-йиғлаб ўқийман. Ахир бу ҳаммаси ватандошларимиз ҳаётидаги бўлган воқеалар-ку. Қондошларимизни бахтидан қувониб, гапидан ачинамай бўладими? Мен ҳам ўз ҳаётим ҳақида ниҳоят ёзишга жазм қилдим. Билмадим, юрдошларимиз буни ўқиб тўғри ту-

чиқ, болангга ота, сенга шерик керак", дейдилар. Ҳар кунни уйимизни олдида озгина нон қилиб сотаман. Ёши 45-55 ларда бўлса. Илтимос, юрдошларим, мени тўғри тушунишлар. "Ёши 44-45га борганда нима жин урибди, бу аёлни", деб ёмон фикрга бормайсизлар деб ўйлайман..."

Хатни ўқиб бўлиб аёлга юзланганимда кўзларидан икки томчи ёш халқаланиб турарди. Бу ёшлар гўё мени қарашимни қутиб тургандай унинг тўлини ойдай тиниқ юзлари узра икки шаршарадек оқиб туша бошлади. Аёл рўмолча билан уларни артиб.

- Шунча, - деди ҳазин бир овозда. Бировнинг боласини асраб оламан, деб 14 йиллик умрини бир гўдакка бахшида қилган аёлга ҳам ҳавасим келди, ҳам ич-ичимдан ачиниб кетдим.

- **Сиз ҳар қандай тахсинга, меҳрга бахтга муносибсиз, - дедим унинг меҳр тўла ёшли кўзларига қараб.**

- Раҳмат, мени тушунганингиз учун.
- **Нимага шу пайтгача бу ҳақда**

ОНА БЎЛИШНИ ИСТАГАНДИМ...

шунишармикан. Қайдам? Мен 1977 йили турмушга чиққандим. Бир-биримизни ёқтириб турмуш қурганмиз. 1978 йили ўғилчаллик бўлдим.

У туғруқхонада уч кун яшаб нобуд бўлди. Шундан сўнг болалик бўлай деб бормаган жойим қолмади. Россия тарафларга ҳам бориб даволандим. Йўқ худо менга оналик бахтини кўп кўрди. Охири битта ўғил болани олиб тарбиялайман деб ҳўжайинимнинг холи-жонига қўйладим. У ҳам, қариндош уруғлари ҳам "Асранди боланинг кераги йўқ", деб туришди. Ўз айтганимда туриб, барибир бола асраб олдим. Шу бўлди-ю ҳўжайинимнинг ота-онаси, қариндошлари келиб жанжал қилишаверди. Охири болам 2,5 ёш бўлганда улар зўр чиқиб, "Бировни боласини нима қиласан", деб ҳўжайинимни олиб кетишди. Бу хатни сизларга ёзаяпману, кўзларимдан ёш тўхтамаепти. Гўдагимни айби нима?

"Дада-дада" деб ўрганиб қолган эди. "Мен барибир қайтиб келаман", - деб кетди. Орадан бир ярим ой вақт ўтиб келди. Яна ота-онаси: "ё бизни дейсан ё буларни", деб туриб олишди. Шундан кейин орасира қочиб писиб келиб юрди. Болажоним: "Ая, дадам келадими?" деб сўрай-сўрай чарчади. Ҳозир эса сўрамай ҳам қўйди. Эрим бошқача уйланиб бола-чақали бўлиб кетди-Бунга ҳам 7-8 йил бўлди. Зурриёд кўришга эримнинг ҳақи бор. Мен уни тушунаман. Ҳозир болам 14 ёшда. Яратган эгамга минг бора шукр, ақлли-хушли бола бўлиб вояга етапти. Худодан эрта-ю кеч боламага бахт-тахт тилайман. Инсофини берсин. Она-бола иккаламиз тинчгина яшаб келаяпмиз. Ота-онам оламдан ўтишган. Мен ҳозир 44 ёшга тўлдим. Ёлғизликдан қийналдим. Кўни-кўшнилариимиз, маҳалламиз аҳли жуда яхши. Хурмат-иззат қилишади. Боламага эркак тарбияси керак деб ўйлайман. Агар ҳаётда менга шерик бўладиган инсон бўлса турмуш кўрсам дейман. Бу гапларни ўзим ҳам минг истиҳола билан ёзаяпман. Мени ва боламни кўнглини топадиган инсон бўлса бир-биримизни тушунамай деб ўйлайман. Биз ўғлим билан олдий яшаб ўрганганимиз. Бировни бойлигига қизиқмаймиз. Яхши инсон бўлса бас. Мендан катта опам борлар, биздан тез-тез хабар олиб турадилар. Улар доим: "Турмушга

ўйлаб кўрмадингиз? Буни олдинроқ ҳам қилиш мумкин эди-ку!" - Боламнинг тақдирини ўйладим. Ёш 60 дан ошганлардан, кўп болалилардан одам келишди. Нимага-дир кўнглим чопмади. Қарасам ўғлим уялғапти, ҳа демай уйланса ким билади, қандай келин тақдир қилади. Шунча йил ўғлимга суяниб яшадим. Кейин кимга суянаман? Шу боисдан ҳам шу қарорга келдим-да.

- **Жуда маъқул қарорга келибсиз. Одам ота-онаси, боласи, қариндош-уруғи, дўсту ёрлари, қолаверса ўзи учун ҳам яшати керак. Бир аёлни биламан. Эри билан атиги 4 йилгина яшайди. Бир ўғил бир қизи бор эди. Қизи турмушга чиқиб кетди. Ўғлини уйлантирди. Умрини уларга бағишлаб, йиллар давомида кампирга айланди.**

Бир кунни ўша кампирнинг уйи ёнидан ўтаётим: "Чойингни ўзинг дамлаб ич, мени бўсағамни босма, хўпми", - деган гап қулоғимга чалинди. Бу унинг келинининг овози эди. Бечора кампир бир ҳовлида яшаб ош-овқатини ўзи қилиб ер, дангиллама ҳовлидаги уйларнинг бир чеккасидаги кичик қулбада яшарди. Бир кунни уни бекатда учратиб қолдим. Келини ва ўғлидан роса нолиди. Лекин бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди: "Болам, бу ҳаётда ўзинг учун ҳам яша экан", дегандилар кўзлари ёшланган.

Шунча йил изтироби ҳаёт кечирибсиз. Утган умрингизга ачинмайсизми?

- Асло, мен бир норасида, бегуноҳ гўдакни 3 кунлик чақалоқлигида туғруқхонадан олиб оёққа тургаздим. Она бўлиш бахтининг нашидасини сурдим. Бизнинг авлодимизда бир фарзанд кўриб кейин тумга қолган қариндошларимиз бўлганлигини онам раҳматли айтганди. Мен ёлғиз фарзанд кўрдим, Худо уни менга кўп кўрди. Яна бировга Худо фарзанд берди, унга фарзанд кўп-кўринди (аниқроғи ноқонуний туғилган), мени уни бағрига олдим. Бундан ҳеч қачон афсусланмайман, аксинча фахрланаман.

Аёл билан анча гаплашиб ўтирдик. У ҳар замонда: "Вақтингизни олмаяпманми", деб қўярди. Вақт, бешафқат вақт бунчалар тез ўтасан-а? Икки соат ҳам икки дақиқадек ўтди-кетди. Аёл мен билан хайрлашиб кетди. Ёлғизлик унинг умрини яна қанча кемираркан? Унинг бахти очилишини жуда-жуда хоҳлайман. Сиз-чи, азиз муҳлислар?

Т. НОРИМОВ

“ОНАСИНИ КЎРИБ, ҚИЗИНИ ӨА”, - НАҚДА БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН-ДА!

Қаламқаш Дилфузахоннинг “Зуравон келин” (мен шундай атадим уни) тўғрисидаги тафсилотларини ўқиб, сизнинг рости, айрим қиз тарбиясида чуқуқланган оналардан ранжидим. Ростдан ҳам қиз монандни борган жойида “Туп кўйиб, палак отадиган” қилиб тарбиялаш масъуллигини унутган оналар шу гулгун ҳаётимизга раҳна солиди, ёшлар бахтсизлигига сабабчи бўлади, бугина эмас, ўз илдизини қирқади-ку!

Ҳақимжон ака хонадонига тушган икки келиннинг бири - Муяссар икки йилгина тинч яшаб, сўнг қайнона-қайнотасининг уни қизлари ўрнида кўриб: “Яхшисини ошириб, ёмони яшириб” авайлаб яшаганларини назар-писанд қилмай, уларга гап қайтарадиган одат чиқарибди. Бу ҳам етмагандек, уйда ҳар хил буюмлар йўқолар, пулини санаса, кам чиқади-ган бўлибди. Шунда ҳам ота-она ўғил-га лом-мим демай, унга худодан инсофини таларкан.

Бирда уч боласи билан онасиникига аразлаб кетиб, қайтмади.

“Доно келин” ота-онаси раҳбарлигида ўз уйида ўтириб, эрининг попугини пасайтириб қўйиш ниятида судга ариза берибди, турли бўхтонлар қилиб “қаматораман” деб нўлиса йўлига ўтибди.

Не кўргиликки, уч ярим ойдан бери буваку бивижонлар ўша беписанд келин дастидан невараларни соғиниб яшаша.

Уч ярим яшар набираларини зўрга сўраб олиб келишганда бола онаси олдида “қайтиб бормайман”, - дея йилгабди. Бола отасини кўмсаб, унинг олдида бормоқчилигини айтса, ўша бетамиз келин боласига ароқ ичириб ухлатиб кўр экан-а. Азизлар, қачон эшитгансиз бундай бетавфиқликни қўли эгри келин ўз қилишларидан пушаймон еб оиласини сақлаб қолиш ўрнига уч норасидани отасиз қолдирибди. Савол туғилади: келиннинг ўз ота-онаси нега қизини тўғри йўлга солмайди? Чунки уларнинг ўзи тарбия кўрмагани аниқ.

Бундай дилўртар воқеалар ҳаммамизни ҳаяжонга солиди. Ҳой келин, она-

лар номидан сенга айтар сўзим шу: эсинг борида ҳали ҳам кеч эмас, этангини ёп, уйдагилардан уэр сўраб иссиқ ўрнингга бор, йўқса болаларинг ўсиб оқ-қорани таниган, сени яккалаб оталари бағрига кетиб қолса ажаб эмас. Дастлаб ёстидошинг Рустамжон сени севганки, пуллари кўлингга топшираркан, сен унинг ишончини оқлаб, тотув яшаш ўрнига қўли эгрилик қилиб кўнглини қолдирибди-ку!

Эрни дағдага билан эмас, кўнглига йўл топиб, ўзинга қаратсанг бўларди.

“Келин олсанг, билиб ол...” - 35-сон

ЭСЛАТМА: Ҳамма ота-оналар ўғиллари вояга етса яхши оила билан куда бўлиб, оқила келин олсам деб ният қилади. Ҳақимжон ака ҳам икки нафар ўғлини яхши ниятлар билан ўғли-жойли қилди. Лекин кичик ўғли Рустамжон хотини Муяссар билан икки йил тинч яшайди.

Дилфуза

Шундай қилмасанг, эрсиз қолишинг аниқ. Жаҳл устида 3-4 фарзанди бўла туриб эрдан ажрашиб кетиб, доғда яшаётган келинлар ҳақидаги гапларни эшитмаганга ўхшайсан.

Қайнона-қайноталарини қуйдирган ўша келинга дил сўзларимни баён қилаётиб Оллоҳимга минг бора шукроналар, ҳамду-санолар айтаётган. Чунки худо ярлақадан қайноналарданман: тўрт ўғилнинг кетидан толган келинларим Мунираҳон, Маъмураҳон, Шаҳлоҳон ва Моҳбонлар мактанаш эмас, бирини бири тўлдирди: билмаган нарсаси йўқ, уй юмушларини ҳам, қайнона-қайнота, эрлари иззатини ҳам ўрнига қўяди.

Уларнинг ўзаро бир-бирларига ва қайни сингил-эгачиларга аҳиллигини кўриб, яйраб кетамиз биз катталар. Доим: “Фарзандлари уларга ўзларидек меҳрибон бўлишларини тилаб қоламиз.

Афиға Хасан қизи

ТУҲМАТНИНГ

УМРИ ҚИСКА

Синглимиз Манзураҳон! Сенда ҳеч қандай айб йўқ дея айтолмаймиз. Чунки кўшнингнинг эри машинасида “Юринг ола кетай” дебди. Бу таклифга лақ этиб тушиш керак эмас эди. Фирмулоҳаза қилиб машинага ўтирмаслик керак эди. Ҳар гапнинг кетидан келадиган “лекин”и бор. Шу машинага чиқсам ва уйга етиб шу машинадан тушсам. Хотини бу ҳолни қандай қилиб кутиб оларкин. Кўзи чақаймасмикин, кўзи олаймасмикин? Хотинларда рашк кучли бўлади. Булар апоқ-чапоқ бўлиб кетибди, деб уйламасмикин, деб муло-

чақанг билан аввалгидек бирга яшаб кет, яшаш жойингни ўзгартирсанг ҳам, фарзандларинг қўлдан кетмасин! Маҳалла-кўй, қўни-қўшчилар бир бўлиб бу оилани яна тикласа бўлади. Бунинг учун қўшни хотинни ишонтириш керак. Манзурада қора ният йўқ. Чунки унинг дили пок. Бу гапни қўшнига қандай тушунтириш мумкин. Маҳаллада обрўли, эътиборли одамлар бор. Қолаверса маҳалла хотин-қизлар қўмитаси бор. Бир ёқадан бош чиқариб, қўшни хотинга

“Тўхмат гапнинг касофати” - 29-сон

ЭСЛАТМА: Кўп тўхматлар орасида қолган бу танишим бир ҳафтадирки, юраги оғриб ётиб қолибди. Мен эса унга жуда ачиндим ва оз бўлсада, юрагига таскин бўлиш учун бисотимдаги ширин сўзлар билан сийлаб уйга зўрга етиб келдим, қўлимга қалам ва қоғоз олиб ўтириб ёзишга киришдим.

Маҳлиё



ҳаза қилиш, яъни рад жавобини бериб, индамай кета бериш керак эди. Бўлар иш бўлибди. Қўшни хотин ҳеч уйламай шовқин кўтариб, тўхмат тошини отибди. Лекин сен пок аёлсан. Бунинг Оллоҳ кўриб турибди. Уртада ҳеч қандай “муҳаббат ришталари” боғланмаган. Бунда шубҳа уйғотадиган томони йўқ. Тўхмат тош ёрар, тош ёрмас бош ёрар” деганларидек, тинч оила тўзиб кетиш қолига келиб қолган. Тупла-тузук, ўзига тўғри аёлнинг дилини вайрон қилиб, “бузук”қа чиқариб қўйиш ғирт тўхмат-ку, эй қўшнижониси.

Энди Манзураҳоннинг эрига икки оғиз гапим бор. “Қўрткесар бўлиш, икки оёқни бир этикка тикиб олиш эмасми?” “Хотиним билан ярашмайман” дебсан. Хотининг билан шунча йил аҳил яшаб келдинг. Унинг ўзига тўғри эканлигини биласан. Қўшни хотин шовқин кўтариб, тўхмат қилиши билан хотиннинг феъли ўзгариб қолмайдик. Икки ўғил, бир қизингни тирик етим қилишга қандай кўзинг қўяди. Масаланинг бу нозик томонини ўйлаб кўр. Хотин, бола-

яхшилаб тушунтириш керак. Орада ҳеч қандай иш бўлгани йўқ. Қўшни хотин тушунди: “Майли, гап айланиб қолибди, қўшнижонлар. Манзура яхши билмаган, яхши аёл, “ён қўшним, жон қўшним” оиласи бузилмасин. Ҳамма гапимдан кечдим. Манзураҳон уйига келиб бемалол яшай берсин. Мен бунчалик гап-сўз бўлишини билмаган эканман. Тил суяксиз. Баъзи гапларни жаҳл устида айтиб юборгандирман уэр”, - деса олам гулистон. Кечиримли бўлиш Оллоҳга ҳам хуш келади. Ҳалқимиз орасида юрадиган бир нақл бор. Бу “Тўхматнинг умри қиска”дир. Биз ҳам ана шундай бўлишни истаймиз. Чунки, “Қўшнинг ҳам уяси бузилмасин”, - дейдилар-ку. Бу гапларда ҳам бор, ишонч бор. Биз ҳам қўшни хотин Манзураҳон билан ярашиб олишда деб уйлаймиз. Ахир қиёматли қўшнилари-ку!

Ҳақиқат тўхматни энгши муқаррар.

Ю. ТОЛИПОВ

Меҳнат фахрийси
Тошкент шаҳри

Нодиржон ука! Дил изҳорингни ўқиб, бир оз ҳаяжонга тушдим. Кўп изтироблар чекибсан. Оллоҳ баъзиларга тирноғини ҳам раво кўрмайди. 6 фарзанднинг отаси экансан. Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлса керак. Лекин

аёлингни оламдан кўз юмиши сенга бир қанча ташвишлар келтириб чиқарибди. Тўғри, қариганда ёлғизлик қийин. Ёнингга бир жуфту ҳалолнинг, сўхбатдошинг бўлса...

Сен шунга ҳаракат қилдинг. Лекин омад чопмади десак муболага бўлмас. Ўзинг ёқтирган биринчи аёлга қандай қилиб бўлса ҳам уйланиб олишинг керак эди. Аммо унга уйланишинга ўғил-қизларинг қарши эдилар. 47 ёшли аёлни топиб роса макташди.

Сен бунга лаққа учдинг. Ҳолбуки, сен тиббий кўриқдан ўтишинг лозим эди. Шундай қилганида у аёл, сенга ҳам бундай ташвишлар йўқ эди. Касалини билмай уйланиб олдинг. У сенга текканидан хурсанд. Ақралишаман деганингда у шарт қўйди.

Хуллас омадинг чопмади. Лекин қариганда ёлғизлик оғир экан. Ёлғизлик жонингга теғармикан ёки ёлғизликдан қутуламан деб яна уйланишга бўларсан. Агар шундай бўладиган бўлса, бўлажак жуфту ҳалолнинг-

КўНГИЛ КЎЧАСИ КЕНГ

“Қолган кўнглини овлаб бўлмас” - 34-сон

ЭСЛАТМА: Ҳеч ким менга ўхшаб ҳаёт гирдобиде овораи сарсон бўлмасе, деб ният қилдим. Ёшим эллиқдан ошган. Бундан роса 4 йил аввал хотиним тўсатдан оламдан ўтди. Мен учун бу қутилмаган ҳол бўлди. Орадан маълум вақтлар ўтиб, менга 47 ёшли бир бева аёлни топишди. Лекин унга уйланиб катта хатога йўл қўйдим.

Нодиржон КАРИМОВ

ни олдин синаб, камтарин, бойликка учмайдиган, хокисор, камсуҳан бева топибса, тиббий кўриқдан ўтказиб уйланиб олишинг мумкин. Агар уйланишни хоҳламасанг ёлғиз яшайвер, ихтиёр ўзингда. Кўнгли кўчаси кенгдир.

Юнус

Меҳнат фахрийси

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани



АЁЛНИНГ ҚАҲРИНИ КЕЛТИРМАНГ

Мен бундан бир неча йил аввал М.Горкийнинг дўсти, немис ёзувчиси Стефан Цвейчнинг “Кун” асарини ўқиганман ва унинг аёллар ҳақидаги фикрлари мени ҳайратда қолдирган. Шунин биланманки, аёллар жуда нозик, меҳрибон, ҳамма нарсадан покликни, вафодорликни севадилар. Шу билан бирга қаҳри қаттиқ инсонлардир.

Ишонган, севган одамидан хиёнат кўриш аёллар учун жуда оғир. Шунинг учун ҳам у аёلнинг ҳолатини тушундим. Гарчи ёшим 80ни қоралаб қолган бўлса-да, 30 ёшимни кўз унгимга келтириб, унинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрдим. Анчиқ устида мен ҳам шу кўйга тушишим мумкинлигини тан олдим. Лекин ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган қария сифатида эса, фикрим бошқача. Эр-ийитларимиз Ватан, миллат ҳимоясига қандай туриб бераётган бўлса, биз қиз-

“Пашшадан фил ясаман” - 40-сон

ЭСЛАТМА: Эримнинг сумкачасини тасодифан очиб кўриб бир қизининг суратига кўзим тушди. Умримда эримни рашк қилмаганман. Чунки у мени ва фарзандлари ҳар доим меҳрибон бўлган. Суратни кўриб сочларим тикка бўлди.

Тоҳир НОРИМОВ

жувонлар, оналар оила бутунлигига учун шундай туриб беришимиз лозим, деб уйлайман. Эрларимизнинг рўзгор, турмуш деб аталмиш арқонини узун ташлаб қўйсақ, минг айлансин оила қозигига келиб тўхташад. Бу борада ўз кўрган-кечирганларимдан кўп мисоллар келтиришим мумкин, аммо “Минг эшитгандан бир кўрган афзал” деган мақол бор. Атрофимизга сергак қарасак бас, адашиб эгри йўлга кириб қолганларнинг кўпчилиги, охир-оқибат кўз очиб кўргани ёнига қайтганини гувоҳи бўламиз.

Ғайнижамол Абдулла қизи

Тошкент шаҳар
Чилонзор тумани

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР!

ЭЪЛОНЛАР!



Мухтаром Рустам АНВАРОВИЧ!
Сизни 7 ноябр таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз! Сиздек ажойиб раҳбар, азиз дўстимизга омадлар тилаймиз.
В2Д-маъмурияти
Тошкент шаҳри

Қизимиз Василя НОРҚУЗИЕВА!
18 баҳоринг қутлуғ бўлсин! Бахт-саодат гултожинг бўлсин!
Келиннинг Мархабо, онанг Маҳсума ва сеvimли опанг.



Хурматли Чори ака Аннаев!
Сизни Ички ишлар ходимлари байрами билан чин дилдан қутлайман.
Нигора Нибзова

Йўлчибек ака!
Сизни 26 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз.
Укаларингиз Акром, Хошим Самарқанд в. Нуробод т.



Азиз дўстим Мансурхон НУРМАТОВ!
Туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклайман. Хамиша соғ бўлинг.
Хусан СУВОНОВ
Сурхондарё в. Шўрчи т.

Тошкент шаҳар Чилончор туманидаги «Глобал BIZNES» хусусий фирмаси тугатилади. ОКПО - 18718519
Давьволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 54-14-39 телефон орқали қабул қилинади.
Тугатиш комиссияси

Самарқанд шаҳридаги барча қулайликларга эга бўлган (8-Март фабрикаси яқинида, 4 хонали, катта айвонли 4 сотих ери бор) ҳовли Тошкентда жойлашган 2 ёки 3 хонали квартирага алмаштирилади.
тел: 133-04-50, 133-28-20

ОТАСИНИ ТОПИШГА ЁРДАМ БЕРИНГ

Менинг жияним Илдар 1965 йилда туғилган, ўз отасини кўп йиллардан буюн излайди. Сизлардан илтимос, агар имконият бўлса ушбу хатни сеvimли газетам саҳифаларида чоп этиб, жиянимга отасини топишга ва ўз бағрига босишга ёрдам берсанглар.
Менинг Гулчехра холам 1963-65 йилларда Бухоро вилоятининг Мурунтоу шаҳарчасида ишлаган. Шу ерда у Самарқандлик йигит, миллати тожик, 1939 йилда туғилган Шарипов Саид Гарипович билан танишган. Иккаласи бир-бирини сеvim қилишган.
Тақдир экан, Шарипов Саидни ота-онаси бошқа қизга уйлантиришган. Холам ўша вақтда ҳомилдор бўлган ва ачиқ устида ўз ота-онасиникига Тата-ристонга кетиб қолган.
Фарзанди туғилгандан кейин у Самарқандга Саидни излаб келган, Саиднинг ота-онаси ва ёш келинчақ уни яхши қутиб олишган. Саиднинг хотини холам-

га: "Опажон, сиз қолинг бирга яшаймиз, фарзандингизга бирга қараймиз", - деб илтимос қилган, аммо холам ёш оиланинг ҳаётига чанг солмаслик учун яна қайтиб ўз юртига кетган.
Ҳозирги кунда холам Татаристонда ўғли, келини ва жажжи невараси билан бирга қарилк гаштини сурмоқда. Уй-жойи яхши, ўғлининг топиш-тутиши ўзига етади. Фақат ўғлининг ўз отаси билан кўришишини истайди. Ўғли ҳам отасини кўргиси келади.
Шарипов Саид Гариповичнинг оиласи яшаган кўчанинг номини холам билмайди. Темир йўлга яқин эди. Уйларидан узоқ бўлмаган жойда шлагбаум бор эди. Укасининг исми шарифи Гарипов Ўлмас эди, деб ёзган эди хатида.

Жиззах шаҳри Заргарлик маҳалласи 6-уй, 5-хона
тел: 372-22-611-36

Назира

Тушнинг ўнг келиши ҳам қобилият, ҳам илм ҳали тағига етмаган синоат шекилли, баъзиларнинг кўрган туши хайрон қоларли даражада тўғри келади. Менинг бувим (аямнинг аяси) шундайлардан. Менинг туғилишимдан бир-икки кун олдин бувим аямни шифохонага кўргани борибдилар. Қандайдир стол атрофида ўтириб гапласибдилар она-бола. Шу кечаси бувимнинг тушига оламдан ўтган бобом (Худо раҳмат қилсин) кирибдилар. У киши ҳассасини дўқиллатиб, худди ўша аям билан бувим атрофида гаплашган столга бир

кунда бутунлай соғайиб кетибман.

Саккиз ёшли укачам - бувимнинг овуначоғи. Ўғли йўқлиги учунми, бор умиди шу боладан. Бир кун ямни тергаб қолдилар: " - Шу бугун болани бекор мактабга юбординг, ман ёмон туш кўрувдим".
- Бувим, иримчи бўлманг, - менинг файласуфлигим тутди.
- Йўқ болам. Худуди ўзи асрасин, ёмон туш кўрдим-да. Тушимда Туронбек (укачам) ухлаб ётган эмиш. Бирдан боши қушнинг бошидай осилиб қолибди. Тўрилай

БУ НЕ СИННОАТ?

тугунча куйибдилар-да, бир оғиз ҳам гапирмай, орқасига қайтиб чиқиб кетибдилар. Бувим тугунчи очса, ичида иккита патир нон билан иккита кичкина қулча бор экан, Орадан бир ё икки кун ўтиб аям эгизак фарзанда она бўлибдилар.

Гўдаклигимда жуда йиллоқи бўлган эканман. Йилгайвериб, озиб-тузиб, касалланд бўлиб қолибман. Кўпчилик, хатто врачлар ҳам мендан умид узишган пайтда... бувим туш кўрибдилар. Тушларида қопагон бир кучук менга ҳамла қилаётганмиш. Бувим уни амаллаб ушлабдилар. Кейин бор кучини ишга солиб, кучукни нимта-нимта қилиб, уйимиз бурчагидаги ёниб турган печкага тиқибдилар. Ўша тушдан кейин, ё фалак, ҳаётидан умид узилган нақалок - мен кундан кунга ўзгариб, ниҳоят тез

десам, ҳеч тўғрилай олмасмишман. Шу орада уйимга қолдим. Бор мактабига, биттанг бор! Хуллас, уни мактабдан олиб келишди. Бу орада ёмон тушдан сардак - битта нон "Юсуф пайгамбарларга" аталди.
- Мактабга яхши бориб келдингми? - сенин сўрадилар бувим Туронбекдан.
- Химм.
- Бош - мошинг оғримадими?
- Оғримадими... Танаффусга чиқаётганмида бирдан айланиб кетди, коридорда йиқилиб тушдим.
Иримчи бувимга қойил қолган ҳолда ёмон тушдан садақа", - нонини "эгасига" топширдик.
Зухра МАМАДАЛИЕВА
Жиззах шаҳри Тошлоқ маҳалласи



Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш максасида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади. Бошқа ҳудудлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар.
• Бичиш-тиқиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тиқиш • Бисерлардан фойдаланиш тиқиш • Бошланғич компьютер билимлари ҳам (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Массаж • Сартарошлик • Косметология • Маникюр
Ўқув муддати 3 ойлик курслар
• Миллий кўрпа-кўрпачалар тиқиш • Юм-шом ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тиқиш • Ҳар хил миллий тиқиш Ўқув муддати 4 ойлик курслар • Бичиш тиқиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тиқиши (вишичка) • Инглиз тилида Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. (бўюртмалар аҳолидан олади), (амалиётлари билан)

"Оила зийнати" Маркази қошидаги курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.
Манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси. Ўқитувчилар малака ошириш институти жойлашган бино 2 қават 202 хона.
Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси
2 ойлик курслар:
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL
- Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури — **1 ойлик.**
- **Компютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.**

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти жойининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўгин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дозаларда даволайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. **1-шаҳар клиникаси бекати.** Тел: 49-43-33, 144-64-30.

«XOLIS - UMID» ўқув маркази қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади

2-ойлик
■ Компьютер саводхонлиги: Windows 2000, MS Word, MS Excel
■ Internet, Corel Draw, Photoshop, Autocad, PageMaker
■ Компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш
■ Массаж (индусти, умумий уқулаш)
■ Торт ва салат (олий ва оддий)
■ Парда-чойшаб (Элита каталог асосида)
■ Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими
3-ойлик
■ Инглиз тили, видео, аудиоматериаллар ёрдамида
■ Тиқиш-бичиш (замонавий моделлар асосида)
■ Сартарошлик (амалиёт салоида)
■ Ҳамширалик (амалиёт билан)
6-ойлик
■ Акusherлик (амалиёт билан)
■ Фармацевтика (амалиёт билан)
Манзил 1: Метроинг «Халқлар Дўстлиги» бекати 8/1 дом.
Манзил 2: Метроинг «Ойбек» бекати, Автомобиль ва йўллар институти, 1 қават. Тел.: 42-76-06, 50-16-47



Муваффақиятли битирганларга диплом берилади.

Ойбек номли Маданият уйи қошида жойлашган «Шоиниста бегим» ўқув маркази қуйидаги курсларга ўқушга таклиф қилади:

3-ойлик
● Кийимларни муноқ билан безаш
● Эраклар шимини бичиш-тиқиш
2-ойлик
● Массаж умумий (амалиёт билан)
● Элита пардалар ва чойшаблар тиқиш
● Аёллар костюм-шимини тиқиш
3-ойлик
● Бичиш-тиқиш
● Уй ҳамшираси (амалиёт билан)
6-ойлик
● Бичиш-тиқиш
● Миллий рақс
Манзил: Ойбек номли маданият уйи. Мўлжал: Собир Раҳимов тумани 3-туғруқхона бекати
Автобуслар: 85, 88, 10, 14. Маршрут такси 100, 83
Тел. Кундузи: 48-24-32 6⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача. Кечаси: 48-68-72 18⁰⁰ дан 21⁰⁰ гача

«САНАМ - СЕРВИС» ўқув маркази замонавий касб-хунар курсларга таклиф этади.

4 ОЙЛИК: • Бичиш-тиқиш (чоқдан бошлаб), Зардўзлик (Бухороча), Ганчкорлик (гиш усулида ишлаш). **3 ойлик** курси ҳам бор. **3 ОЙЛИК:** "Элита" пардалари, поквивал ва ёстиқлар тиқиш. • Торт, салатлар тайёрлаш, келин-куёв ифодаланган торт пишириш (олий даражадаги кулинария 10 кун) • Массаж (амалиёт билан) • Ҳамширалик (амалиёт билан) • Инглиз тили • Радио-техника таъмирлаш • Компьютер сабоқлари: компьютерни таъмирлаш • Бухгалтерия. **2 ОЙЛИК:** • Сартарошлик (эркак ва аёллар учун алоҳида) • Косметолог виазист. **1 ОЙЛИК:** • Бадийи маникюр ва педикюр. Тўй ва оқшом соч турмақлари **ДИККАТ!!!**

Ҳар бир курсларга тезкор гуруҳлар мавжуд. Ўқиниш тамомланганларга ТошДТУ томонидан сертификат ва ўқув марказининг дипломи берилади.

1-Манзил: Метроинг "Тошкент" бекати "Марказий Темир йўлчилар маданият" саройи, 2 қават, 17 хона Авт: 60, 16, 66, 70, 2, 40, 55, 22 Трол: 7, 10, 20. Трам: 3, 13, 9, 25.
2-Манзил: Метроинг "Беруний" бекати ТОШУнинг ёнидаги "Дорилфул" маданият саройининг 3-қават 30 хона Тел: 8⁰⁰-22⁰⁰ гача 49-18-71, 10⁰⁰-17⁰⁰ гача 59-61-24, 18⁰⁰-22⁰⁰ гача 40-20-59.

Хайит тортлари: (Этажеркаларда, келин шакли билан) Турли пиширилган тел: 116-01-01, 117-19-15

Уй сотилади. Тел: 68-28-04

Беруний номли Тошкент политехника институти томонидан Шопўлтош Равбимга 1984 йил 5 июлда берилган КВ №823264 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Оила ва жамият" газетаси тахририяти жамоаси ва бир гуруҳ дўстлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдавовага ўғли **БАҲОДИРИНИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

"Оила ва жамият" газетаси тахририяти жамоаси мусахҳиҳ Сайдолимовга укаси **Зокирхўжа САЙДАЛИЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош кўнликнинг бошида айрим туманларда ёниб ётса, кейин келиб ёниб-гарчилик бўлмайди. Хавонинг ҳарорати бош кўнликнинг биринчи ярида кечаси 2⁰⁰ сувик билан қувиш 3⁰⁰ иллик, кундузи 3⁰⁰-8⁰⁰ иллик. Республикакининг жанубида кечаси 1⁰⁰, кундузи 7⁰⁰-12⁰⁰ даража иллик бўлади. Бош кўнликнинг иккинчи ярида хавонинг ҳарорати кечаси 3⁰⁰-8⁰⁰, кундузи 12⁰⁰-17⁰⁰ иллик, жанубий ҳудудларда кечаси ҳарорат 5⁰⁰-10⁰⁰, кундузи эса 15⁰⁰-20⁰⁰ даража иллик бўлиши қутилмоқда.

У ўзига таниш хонадон ўрнидаги култепани кўриб ҳайратда қолди

Атрофда одамлар гавжум. Бир четда бошини эгиб чукур хаёлга ботиб ўтирган Мансур ака елкасига теккан кўлдан сергакланди.

- Сизга ҳам иш керакми, огайни? У тепасида савол назари билан қараб турган ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги олифтагина йигитни кўриб шошилганча ўрнидан турди.

- Бўлмаса-чи, иш деб юрибмиз-да бу ерларда. Фақат эрталабдан буён тек оёқда туриб...

- Сумкангиздаги нарсаларга қараганда устага ўхшайсиз? - унинг сўзини бўлди йигит.

- Ҳа, иморатни то тиклашдан тортиб, пол, паталог дейсизми...

- Яхши, ортимдан юринг. Иш ҳақида уйда келишиб оламиз, - гапни кесди, у.

Икки кундан буён бирор юмуш топмай ҳорғин ўтирган Мансур ака беихтиёр унинг ортидан эргашди.

- Менинг исмиим Сардор, - машинасига газ берар экан ўзини таништирди йигит. - Сиз четроқ вилоятданми дейман?

- Янглишмадингиз, бола-чақани боқиш учун тирикчилик деб шу ерларга келдим-да.

У Мансур ака ҳақида маълум маълумотга эга бўлгач, ортиқча савол бермади. То манзилга етиб боргунча хориж қўшиқларидан эшитиб ҳиргойи қилиб кетди. Уларни ҳовлида ўттиз ёшлардаги, тўладан келган таннозгина аёл кутиб олди. Ховлининг бир томонида тўрт-беш хонали замонавий услубда қурилган бино бўлиб, унга қарама-қарши иккинчи томонда ҳам худди шундай услубда қад ростлаган иморат чала-ярим ҳолатда эди.

- Мана сизга иш, - чала иморатни кўрсатди Сардор. - Мана шуни бутунлай қўлдан чиқариб берасиз.

- У-ху, бу ерда жуда иш кўп-ку, - дея қурилишни кўздан кечирига бошлади Мансур ака. - Битта ўзимга қийинов, шерик керак бўлади.

- Энди ўзингиз ишлангангиз ҳаққи ҳам яхлит бўларди-да, ока. Жуда иложи бўлмаса эртага бозорга бирга борамиз, кўнглингизга мос бирорта шерик топиб келарсиз.

Бу жавобдан Мансур аканинг чиройи очилди. Эртасига бозордан новчагина, қотмадан келган Икромжон исмли йигит билан қайтишди. Унинг ўйчан нигоҳидан ҳаёт қийинчиликларини анчагина тотиб кўрганлигини сезиш қийин эмасди. Устачиликда қўли пишган, меҳнаткаш бу йигит Мансур ака

билан тез тил топишди. Икковлон қилаётган ишлари бир оз арзон баҳоланган бўлса-да, яхлит иш топилигидан мамнун эдилар.

Юртдошлари орасида уста Мансур ака ними ҳурматга эга бўлган Мансур ака ними масидаги ишни ўта эътибор билан бажарарди. Диди нозик шахарликлар хонадонидagi қилаётган ишида ҳам ўзига мос шерик топилигидан хурсанд эди у. Бироқ дастурхон устидаги танав-

га етмай туриб пул сўраш!... Тавба, шунча уста ишлатиб ҳали бунақасини кўрмагандим.

- Синглим, узр. Оиламдаги ночорликни сизларга тушутирдим, - бошини маънос эгди уста. - Иш ҳақимдан оз миқдорда берсаларинг бўлди. Бола-чақам харна тирикчилик ўтказиб турарди-да...

Шундан сўнг эр-хотин орасидаги ўзаро маслаҳатда "қишлоқи"лар шаънига айтилган анчайин нордон гаплардан сўнг,

соддагина кийимларини тартибга келтириб, уй соҳибларидан сўнгги илтифоти кутиб турган икки устанинг олдига хонадон соҳибаси ранги бўзарган ҳолатда келди-да:

- Мана бу сумкаларингни бир очиб кўрсатсаларинг!,- деди қандайдир вазоҳат билан. - Ҳозиргина сезиб қолдим. Чет элдан янги келтирилган видеомагнитофон подвалда эди, йўқолибди.

Бундай тухматни хаёлига келтирмаган Мансур ака устачилик анжомлари, иш кийимлари солинган сумкасини очди-ю, қотиб қолди. Сумка ичида кийимларга чала-ярим ўралган видеомагнитофон турарди. Икромжоннинг сумкасида ҳам қандайдир қоғоз кути чиқди. Аёлининг бақир-чақирини эшитиб уй ичидан чиққан Сардор:

- Нима, нима гап бўлди, нега қичқираяпсан? - дея, гўёки ҳайратини яшира олмай уларнинг ёнига келди.

- Нима бўларди, эрталаб иккимиз бозорга кетганимизда ишонган усталарингиз нима ишга қўл урганлигини кўриб қўйинг. Ҳа уш бошламай туриб тинмай, пул сўраганидан сезгандим-а, буларнинг пастлигини.

- Ўйлаб гапиринг, келин. Тухмат балоси ёмон, - Мансур аканинг оғзидан чиққан гап аёлининг ҳақоратомуз қичқиришларига кўмилиб кетди.

Шу орада ҳовлида пайдо бўлган милиция ходими воқеа юзасидан усталардан изоҳ талаб қила бошлади. Қутилмаган бу ҳолат Икромжонни қарахт ҳолатга келтириб қўйган бўлса, Мансур ака аламу чорасизлиқдан қалтираётган вужудини босишга ҳаракат қиларди.

Маълум тортишувлардан сўнг хонадон соҳибларининг "муруввати" билан икки "гуноҳор" бир сўм пулсиз кўчага ҳайдалди. Уларнинг ҳолатини ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмади бу пайтда.

Орадан бир ой вақт ўтар-ўтмас тирикчилик илинжида юрган Мансур аканинг йўли яна шу маҳаллага тушди. У ўзига таниш бўлган хонадон ўрнидаги култепани кўриб ҳайратда қолди. Унинг ҳолатини ўзича тушунган ҳайдовчи:

- Э-э, ака, бу хонадон бошига тушган кулфат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. "Ут балосидан арасрин", деб шуни айтадилар-да, - дея бўлган аянчли воқеани гапириб борар, Мансур аканинг хаёли эса ўзининг ҳақлигини ҳар дақиқада англашиб турувчи тошу тарозилик дунёнинг уй-хаёллари билан банд эди.

Зулфия ЮНУСОВА

ТОШУ ТАРОЗИЛИК



ДУЖЁ

вул чоғида, ёки беш, ўн дақиқалик нафас ростлаш онларида ҳам оиласидаги мушкул аҳвол хаёлидан нари кетмасди. Камқонлик касалига учраган аёли-ю, мактабга кийиб борадиган оёқ кийимлари (тўзиб) қолган ўсмир ўғилларини эслаб юраги эзиларди. Қўлида гўлдек хунари бўла туриб бола-чақасини қийналмай яшаш учун имкон топа олмаганидан гуноҳор деб биларди ўзини. Бу ерда қилаётган ишлари анчайин йўлга тушиб олган хонадон соҳибларидан озроқ бўлса-да пул сўраб уйига юборишга қарор қилди у. Аммо бир мулоҳаза қийнарди. Меҳнат ҳаққи учун белгиланган пулдан турар жой, еган овқатларинг учун деб фойз чиқариб ташлаган уй эгалари бунга қўншармикан? Бу илтимосга биринчи бўлиб хонадон соҳибасининг қослари чимирлиди.

- Иш ҳали якуни-

устанинг илтимоси оз бўлса-да қондирлиди. Ҳамқишлоқларидан оиласига пул юбориб кўнгли таскин толган Мансур ака ишини янада жадал давом эттирди. У шериги Икромжон билан бирга имкон қадар кечаю кундуз дам олмасликка ҳаракат қилишарди. Икромжоннинг турмуш тарзи ҳам ўзиникидан-да аянчли эканлиги Мансур акага аён эди.

Бир ярим ойдан зиёдроқ вақт чала-ярим ҳолатда турган иморат Сардор ва унинг аёли орзу қилган даражада қад ростлади. Усталарнинг иши хонадон эгаларига нечоғлик маъқул келган бўлмасин, улар мамнунликларини бу икки мардикор устага билдирмасликка ҳаракат қилишарди.

Ва ниҳоят қилган меҳнатлари юзасидан белгиланган ҳақни олиб уй эгалари билан хайрлашадиган вақт ҳам етиб келди.

Ишчи аҳлига хос бўлган

ҚИССАДАН ҲИССА

БИР ОИЛА ЧИРОФИ ЎЧМАСИН

Мени мактуб йўллашга бир воқеа мажбур қилди. Тошкент шаҳридаги маҳаллалардан бирида истиқомат қиламан. Ойлалиман. 1 нафар фарзандим бор. Дугонамга ачинганим учун ҳам сиз азияларга ушбу мактубни йўллашга қарор қилдим. Турмуш ўртоғимнинг ярим дўстлари бор, уларнинг аёли эса мен билан дугона. Шу йил иккаламаиз ҳам оналик бахтига мушарраф бўлдик. Лекин дугонамнинг эри оталик бахтини "қутаролмади" шекилли... Дугонам туғруқ вақтида анча қийналди, бир муддат соғлиги ҳам ёмонлашди. Ана шундай бир пайтда, унинг турмуш ўртоғи хотини олдида бўлиш, унга гамхўрлик қилиш ўрнига, баъзи пулдор "бойваачалар"га кўшилиб, уларга эргашиб наҳс ботқоғига тобора ботиб кетмоқда. Хўжайиним дўстларини йўлга солмоқчи бўлса: "Ишинг бўлмасин, узим биланман!", деб уришиб берибди. Бу воқеани мен била туриб, на дугонамга айта оламан, на ёрдам қўлини чўза оламан. Қандай йўл тутишни билолмай гарангман. Чунки,

дугонамга айтиб берсам, у албатта жанжал кўтаради. Эри: "Кимдан билдинг, ким сенга бунни айтди?", - деб сўраса, исмиمنى айтиб қўяди. Эри хўжайинини ўртоқлари орасида изза қилиши мумкин. Чунки, ўзбекчиликда эркаклар ўзаро уфатларининг сирини чакимчилик қилиб ошкор этсалар, бу асло кечирилмайди. Бунни аёллардан кўра, эркаклар кўпроқ тушунадилар. Хуллас, айтсам тилим, айтмасам дилим қўяди. Нима қилай? Аэиз юртдошлар, кўпни кўрган қарияларимиздан газета саҳифалари орқали фикр билдиришларини ўтиниб илтимос қиламан. Дугонамга эрининг қилиб юрган ишларини айтсаммикан? Ёки билатуриб ҳам бу сирни яширсаммикан?! Қандай йўл турсам, ҳам дугонамнинг эри тўғри йўлга қиради, ҳам хўжайиним дўстлари ўртасида бебурд деган номни олмайди? Ёрдамингизни, яъни фикр-мулоҳазаларингизни, маслаҳатларингизни севимли газетамиз орқали кутиб қоламан.

Интизор

Тошкент шаҳри

Икки қариндош аёл неваралари орқали оилаларини яқинлаштиришга бўлиб, тўй қилишди. Бир нафар фарзандли бўлганда куёвтуранинг қилиқлари оша бошлади. Ўғирлик қилиш, бировни уриб, тан жароҳати етказиш, унис етмагандек уйидаги нарсаларни олиб чиқиб сотиш каби қилиқларни касб қилиб олади. Унинг одатларидан хабар толган келин, куёвни бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб, урини кўрган, лекин фойдаси бўлмаган. Бировларнинг олган нарсалари устидан эгалари пул талаб қилиб кела бошлашган, ота-она ўғли қилган ишларидан хабардор бўлган. Бирини, иккинчисини тўлаган. Оқибатда имкониятини қилолмай қолишгач, йигит оиласига, аёлига эътибор бермай кўча одамига айланади. Хотинининг анча-мунча нарсасини сотган. Ота-онасининг гапи ҳам ўтмайди. Келин чидай олмай уйига кетади. Қўлини ювиб қўлтиғига урган келин, нима қилишини билмай, бировларнинг маслаҳатига кириб, ажрашиш учун судга ариза беради. Бундан хабар толган куёвтура ўзини қайга уришини билмай, хотинини олиб келиш учун орага одам қўяди. Бунни кўрган ота қизини яна мажбурлаб: "Мен учун бир марта боргин қизим", - дея куёв уйига

жўнатган. Бир ой қилиқ чиқармай турган йигит яна ўз касбинини бошлаган. Хотини унинг учун келгани ва фарзанди борлиги учун барча қилиқларига чиданганини айтиб, роса йиғлайди. Уни инсофга қақиради. Куёвбола эса хоҳласа кетишини, уни ҳеч ким ушлаб турмаганлигини айтиб, уни уради. Нима қилишини билмай қолган келин қайнонасига маслаҳат солса: "Қарсақ бир қўлдан чикмайди, ўзингизда ҳам айб бордир-да", -

УНГА ЖУДА АЧИНАМАН

дея ўғлининг тарафини олади у. Лекин, у нима қилсин, ўғлининг ўғирлик қилиши, бекорчилиги билан кун ўтказишини, оиласига ҳеч нарса қилмаслигини, фақат кўчага ташишини, унис етмагандай аёлидан ширин сўзини ҳам аяшини қаёқдан билсин?

"Ҳамиша меҳрга зор бўлиб яшайман, ширин сўз эшитмасам, унга эрқалана олмасам, уни олиб бер, бунни олиб бер, деб айтишга ҳаддим сигмаса, фикрим билан қизикмаса, бундай оилада мен нима қиламан?", - деб куюнади. Ҳар гал: "Қўйинг, тинишдан олдин сув бир лойкалиб олади-да", - десам: "Эҳ, бу сув ҳеч тинмаяпти, шопирляпти", - дейди. Ҳатто ота-онаси ҳам ўз ҳолига қўйиб қўйиб-

ди. Ҳеч қандай чора кўрмайдилар ҳам. Фарзандларининг тақдирини ўйламоса менга нима? - дейди. Фақат шу ўғлимни ўйлаб ўзини оловга ураман, ўғайнинг қўлига қарамасин, ўқсимасин, деб чидаб келаётганим. Энди бардошим етмайди. Шундай қиламанки, энди зулм ўтказса ота-онаси олдида ўзини холис қилиб ўйдан чиқиб кетаман, - деди. Уни бу хаёлидан қайтарган - дай бўлдим, яхши кунлар келишини, Оллоҳдан эрига инсоф беришини

тиладим. Лекин нима десам экан, унинг бу хаётига жуда ачиндим. Қилаётган қилмига, ўтказаятган зулминини кўриб, ташлаб кетинг, ўзингиз учун ҳам яшашингиз керак-ку. Эр бўлиб сизнинг камингизни қилмаса, ўғли учун бирор нарса илинмаса, оила тебратийга қурби етмаса, фақат кўчага ташиб эркаклик шаънини йўқотса? Аэиз ҳақмюрт, сиз нима дейсиз, ахир аёл киши ҳам ўзи учун, орзу-хаваслари учун яшаш керак-ку. Бу хусусда сизлар қандай маслаҳат берасиз, сизни фикрингизни кутиб қолувчи доимий мухлисангиз

МОҲИН

Анджон вилояти Бўз тумани

'НУТҚ ИЛА ФАРҚ ҚИЛУР ОДАМ ҲАЙВОНДАН'...

Сарлавҳамиздаги Шерозийнинг бу сатрларидан сўнг сиз ҳам суҳбат нима ҳақида эканлигини пайқаган бўлсангиз керак. Тошкентда қанча билмадим-у лекин бизнинг кичкинагина шаҳримизда маршрутли таксилар учун қатъий бажо тайинлаб қўйилган. 150 сўм! Шаҳримиз четда автобуслар сонинча камайиб одамлар ноилож шоганларида шу маршрут таксини тўхтатишади. Автобуслар, фақат шаҳар ичида уям бўлса жуда кам, бармоқ билан санарли даражада. Бундан асосан қарияларимиз озор чекиб қолмоқдалар. Мана бир мисол: Яқинда Шаҳар марказий касалхонаси билан бозор оралигидаги бир маршрут таксига ўтирдим-у одамзотнинг тили нақадар захарлигига яна бир бор имон келтирдим. Бошқарув олдиди мен кетаётган машинага бир рус миллатига мансуб кампир чикди. Сал нари юриб шофёр ёнига ёшгина бир аёл ўтириб йўлда давом этдик. Назаримда 3-4 бекатдан сўнг кампир машинани тўхтатиб юборишни сўради. Шофёр ҳам машинани тўхтатиб, кампирга ўтирилди. Кампир юқлари-

ни бир-бир тушириб олгач чўнтагини қовларкан бироз ҳижолат қилиб, рус тилида: "Болагинам 75 сўмгина пулим қолибди, шуни олиб қол. Кейин сени яна бир кўрсам шу қарзини берарман", деб қолди. Ана шунда шофёр боланинг аҳолини бир кўрсангиз эди. Кўзлари чакчайганча у ҳам кампирга рус тилида "Нима?" деб шунақанги бақирди-ки машина ичидагиларнинг дами ичига тушиб кетди. Кампир яна тез-тез чўнтақларини қавлаб қолган тангаларини санай бошлади. Биргина шофёр олдиди ёшгина аёл шофёр таниши эканми унга қараб "Жинни бўлдингми Бахтиёр, ахир бу рус тили ўқитувчимизку, бизга синф раҳбарлик ҳам қилгандилар эсингдами?", "Э аҳмоқ бўлмай ўл-а" деб унга танбех бера олди ҳолос. Ҳайдовчи ҳамон шаштидан тушмаган: "Менга нима-е пулини тўлаб қўйсин-е" дея бақирарди. Аёл шартта сумкасини очди-ю ичидан пул чиқариб Ҳайдовчига тутди: "Ма, иккаламиз учун олиб қол, лекин иккинчи қарияларга, аёлларга бақириб юрма! Барақаси учадди, мунақа топган пулингни", - деб секин

машинадан туша бошлади. Ҳайдовчи уни тўхтатиб "Шошма сен хали етиб келганинг йўқ шекли" деса, аёл унга: "Сенга ухшанганлар билан бир машинада юрганмдан кўра пиёда кетганим яхшироқ, эссиз тарбия-я!" - деб машина эшигини ёлди-ю, кампир олдига қелиб унга қулиб алланарсалар деди, сўнг ердаси сумкаларини кўтаришганча у



билан биргаликда жўнади. Ҳайдовчи бўлса кинояли қулганча: "Вой бойвачча-ей, менга нима,

тўласанг тўлиб ўл", - деди-ю боя аёл ташлаб кетган пуллари жойлаштира бошлади. Шофёрни боғи ҳайдовчининг: "Иа, 200 сўм ортиқча ташлаб кетибдику деган овози эшитилди. Лекин улар узоқлашиб бўлишганди. Олд ўриндиклардан бирини кетаётган отахон Ҳайдовчига: "Биласанми нега ортиқча ташлаб кетди? Бундан кейин бирон бир устозимиз пулингни камроқ бериб қўйса ўрниги шуни қўйсан деганим-да, кўриб турибсан ўзи бозордан зурга чиқиб келаётувди буни устига

қўл силтаб: "Э унақа устозлардан юзта, хар бирига ёнимдан тўлайманми? Ҳаёт, рўзгор, бола-чака бор. Пули йўқ экан нима қиларди машина тўхтатиб кетаверсин эди пиёда". Ота-хон бу Ҳайдовчига гапириш бегойда эканлигини билди-ми индамай қўл силкиб: "Ҳа, тарбияда гап қўп эканда", деди қўйди. Шаҳримиз кичкинагина эмаси шундан кейин ҳам мен бу шофёр болани бир неча бор йўлда учратдим, лекин машинасига чиқа олмадим. Худди шу йўналишдаги бошқа маршрут такси тўхтатиб унда кета қоламан. Баъзан йўлда ўнлаб қолиб шофёрларга қараб хайрон бўламан: "Битта муаллима ўқитган икки ўқувчи, иккаласи икки олам, икки дунё, бирининг тилдан захар томса, бошқаси ширинсуз (мен ўқитувчисини олиб кетган аёл ҳақида). Отахон айтганларидек, тарбияда ҳам гап қўп эканда. Аиникса оила тарбиясида. Ушбу сатрларни ёзиб ўтирарканман отам қўлимга бир китоб тутдилар. Унда шундай мисраларга қўзим тушди:

Сўздир инсон ақлин далоли,
Сирин очилур сузлағач тили.
(Носир Хисрав)

Малоҳат ХОЛБОВА
Янгийўл шаҳри

"Эй одам фарзанди, яхши эшитиб олгинки, бандларимдан ҳеч бири ўзининг зулми, макр-хйласи, чамчилиги, ғийбату тажовузкорлиги ва гаразу ҳасаддан одамларни тинч қўймагунча, ўзи ҳам менин азобларимдан тинч ва омонда бўлмайди".

Ҳадиси Кудсий

Ғийбат ўзи нима? Ғийбат - бир инсон иккинчисини ортидан ёмон нарсалар билан гапиришидир. Бу гап ғийбат қилинган кишининг диний ёки дунёвий ишларига, ахлоқига, танасининг тузиллишига ва бошқа нарсаларига тегишли бўлса ҳам ғийбат ҳисобланади. Ғийбат одамлар орасига адоват солади. Ораларидаги аҳилликни, хурматни муҳаббатни емиради. У ҳасад ва гумоннинг мевасидир. Узгаларни ғийбат

шиб ўтирган ойисига: - Ойи, Зулфия хола яна қизил тикода келди. Ясанич олибди, - дея суюнчи олди. Икки бекорчи қўшини эса, худо урди, бири қолиб бири Зулфияни ёмонлай бошлади. Васила уларнинг гапини кулоқ қоқмай тингларди. Бу ҳолатлар бора-бора унга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Энди Васила мактабдаги ва маҳалладаги дўгоналаридан айб қидиришга, ўзини улардан устун тўтишга ҳаракат қиларди. Уларни бир-бирларига ёмонлаб, қўнғилларини совутарди. Аълочи ва одобли қизларни макташларни асло ёқтирмас, дарров уларни обрўини тўкишга интиларди. Охир оқибат унинг қалбига ҳам ҳасадгўйлик, гаразгўйлик ва бадгумонлик каби ил-

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Чилонзор бекатида автобус кутиб тургандим. Анча вақтдан сўнг мен кутаётган автобус келди. Автобус чиқди. Бир пайт ёшлари 35-40 атрофида бир эркак чиқиб, ёнимдаги ўриндикқа ўғли билан жойлашиб олгандан сўнг, орадан озгина вақт ўтиб, автобусга ёшлари 30-35 чамаси аёл чиқиб келди. Мен уни кўриб хайрон бўлиб қолдим. Узини тутиш, кийиниши, нозланиб туриши менга ёқмади. Шунда ёнимда ўтирган киши аёлларга гап отиш бўйича устаси фаранг эканлигини намойиш эта бошлади.

- Келинг, мана бу ерга ўтириб олинг, - дея мурожаат этди.

Аёл нозланиб:

- Йўқ, йўқ ўзингиз ўтираверинг, олдингизда болангиз бор экан, - деди ва унга яқинлашиб келди.

Бир оздан сўнг иккаласи шунақанги шангилаб гаплашиб кетдики, йўловчиларнинг қулоғини қўлига қоқиб беришди. Мен уларга ёнмаён турганлигим учун диккатим тобора ошиб борарди. Уларнинг суҳбати анча қизгин паллага етганда.

- Бу сизнинг неварангизми? - деди аёл.

- Йўқ-э, нима деяпсиз, ўғлим, - деди чақаги қулоғига етган эркак.

- Нима деяпсиз, чол бўлиб қопсиз-у, яна ўғлим дейсиз.

Шунда эркак ўғлига қараб:

- Уғлим менга ким бўласан айт, - деди.

- Эй бола, бу киши сенга ким бўлади, деб сўради аёл ҳам.

- Дадам бўлади, - деб жавоб берди бола.

- Ана сизга нима дедим, бу ота ўғлида, - овозини кўтариб гапирди эркак.

- Сизнинг ёшингиз 35-40га яқинлашиб қолибди. Хотинингизни-ку ёши нечада?

- Хотинимни ёшини сўраб нима қиласиз, ундан кўра менга хотин бўла қолинг?

- Сиз мени боқасизми?

- Ия, нима деяпсиз, сиздақаларни яна иккитасини боқибга қурбим етади.

- Аҳволингизга қаранг! Мендақани иккитасини боқибга қурбим етадиган одам давлат автобусида юрадими?

- Нима деяпсиз, деб гувоҳнома масини кўрсатди.

- Бу нима?

- Уқинг биласиз.

Аёл гувоҳномага кўз югуртириб.

- Нима қилибди, оддий гувоҳнома экан-ку, - деди.

- Бу оддиймас, Афғонистонда хизмат қилганман, - деб мағрур жавоб берди эркак.

Хизмат қилсангиз нима қилибди. Кўпчилик хизмат қилган.

- Мен ишламасам ҳам давлат

боқадим...

Эркак ўғлига қараб:

- Уғлим бу аёлни ая қиламизми? - деб сўради.

- Йўқ, йўқ аям бор мени. Уйга кетаман, деб, - бола йўғлаб юборди.

Нега йўғлабсан, ўчир овозингни, - деб ўғлини уриша кетди.

- Шунда аёлнинг кайфияти сал бузилди:

Хайр, менинг бекатим яқинлашаёпти, - деб нари кетди ва навбатдаги бекатда автобусдан тушиб қолди. Эркак ўғлига: "Хали сен уйга боргин, кунингни кўрсатаман", деган маънода ўқрайиб қаради.

Бир оздан сўнг улар ҳам автобусдан тушиб қолди. Мен уларни кузатиб турдим. Автобус кетиши билан эркак ўғлини шунақанги ура кетди. Ота боласини шунчалик ўрганини ҳеч кўрмаганман. Болада нима аёл, тўғриси айтиди. Қўчада шундай урган ота, уйда бундан беш баттар урса керак. Болага ачиндим. У келажакда отасига нисбатан нафрат ҳисси билан улғаймасмикан? Новдани учини синдирсангиз ёнимдан 4-5 та бўлиб ўсиб юнгалар чиқади. Боланинг кўнглини синдирсангиз ким бўлади нималар ўсиб чиқмайди. Сиз ҳам болангизни урасизми?

Унда бир ўйлаб кўришингизга тўғри келади.

Умидбек ХУДОЙКУЛОВ
ЎЗМУ журналистика
факултети талабаси

ЁМОН ИЛЛАТДАН ЙИРОҚ ЮРИНГ

қилган одам билгилки, сени ҳам ғийбат қилгусидир. Ундайлар ўзларининг қадрини баланд тутиб ўзгаларнинг қадрини ерга урадилар.

Хўш, улар қимлар, қаердан келиб чиқдилар? Ахир ҳеч ким она қорнидан ғийбатчи бўлиб туғилмайдик-ку.

Василанинг онаси худонинг берган кўни бирор қўшнисини ёмонлашдан чарчамасди. Сабаби ҳеч қаерда ишламас, бекорчидан худо безор, деганларидек қиладиган иши фақат ғийбат эди. Бугун ҳам шундай бўлди:

- Уч девор наридаги Зулфия борку, - дея гап бошлади у, - қуриб кетур кеча соат кечки 7 ларда қизил тикода келди. Ким билди қаерларда юрган экан... Бунга жавобан соқолни олаётган эри: - Ишонасини машинасида, ой охири ишлари кўпайиб кетган бўлса керак... Кутганидек жавоб ололмаган Васила бурнини жийриб ичкарига кириб кетди. Бу суҳбатнинг гувоҳи бўлган Васила эртаси кўни уйга шошиб кирди-да қўшини Ойшахон билан суҳбатла-

латлар ин қуриб ич этини кемирди. Одамлардан йироқлаштиради. Шу ўринда бир ривоятни тилга олмоқчимиз: Бир одамнинг вақти қазоси етиб омонатини топширибди. Аллоҳнинг фаришталари келиб унинг қилган ишларини сарҳисоб қилишибди. Сўнгра дўзах томон етаклашибди. Бундан саросимага тушган одам: - Эй Аллоҳ, эй фаришталар, ахир мен тириклик чоғимда кўп савоб ишлар, яхши амаллар қилган эдимку. Нега улар нолаи амалимга ёзилмади? - деб сўрабди. Шунда фаришталар: - Тўғри, сенинг савоб ишларинг кўп эди. Аммо, улар сен ғийбат қилган одамларга ўтиб, уларнинг гуноҳлари сенинг нолаи амалингга ёзилди, - дея жавоб беришибди.

Ҳа, азизлар, агар Аллоҳнинг шафоатидан ва жаннатидан умидвор бўлсангиз ёмон сўзлардан ҳамда ғийбатдан ўзингизни тийинг. Болалар тарбиясида ҳам шу нарсаларга алоҳида эътибор беринг.

Т.ҲҲҲИЕВА
Поп тумани

ҲЕЧ БАНДА ЕТИМ БЎЛМАСИН

Юртимизда буюқ ўзгаришлар буй кўрсатмоқда. Бунинг ҳаммаси, аввало адолатли юрт бошимиз И.А. Кримовни одил сиёсати натижасидир. Ислам Абдуганиевич, - "Хуқукий демократик давлат барпо этиш йўлидан борар эканмиз, унинг бирдан-бир максасди, эзгулик, адолатли ҳимоя қилишдан иборатдир", - деган эдилар. Бироқ ҳаёт бор экан, ондансўнда бўлсада инсоннинг иззат-нафсига тегиб, уни ранжитиб турадиган ҳолатлар ҳам юз бераркан.

Мен ёзаётган мактубимнинг мазмуни ота-онадан эрта етим қолган эгизаклар ҳақида. Улар ҳрзирда менинг фарзандларим, оилам билан бирга яшайди. воқеа бундай бўлган.

Синглим турмушга чиқди. Кунлар ўтиши билан синглим, касалликка қалинб қолади. ЗАГСдан ўтишга хали улгурмаган турмуш ўртоғи уни ташлаб кетади. синглимга яратган эгам эгизак фарзанд ато қилди. Жигарим, синглим саломатлиги учун қанча юғриб елмайин иложи бўлмади. Синглим бечора мени олдига қақириб, "Ажаҳон, қанча юғриб елдингиз, раҳмат, энди эгизакларга оталик қилинг, лекин эгизакларимга гувоҳнома ололмадим, "Никоҳдан ўтмагансан", - деб гувоҳнома беришмади", - деди йўғлаб "Йўқ, синглим хали кўп яшайсан, фарзандларинг хузурини кўрсан", - деб қўнғилини кўтардим. Иложимиз қанча? Бир оз ўтмай ўн гулидан бир гул очилмаган синглим оламдан ўтди. Бандаси хар нўрсаларга чидайди. Энди синг-

лимдан қолган ёдгорлик эгизак Ҳасан ва Зухрага ота-оналик қилиш турмуш ўртоғининг вазифаси эди. Болаларга ҳужжат тўғрилаш бўйича юғур-юғур бошланди. "Бу ёққа бор, бу ёққа бор", айрим амалдорлар, - "Болалар уйига бериб юборинглар", - ҳам дейишди. Синглимдан қолган ёдгорлик фарзандларим гувоҳнома олмаса уларни ҳеч қаерга бермайман", - дедим. Юқорига ёздам, хатимга дарров жавоб олмасам ҳам. Хар тўғул бир кўни автобусда икки дона гувоҳномами қўлимга бериб кетишди, қўзимга ёш олдим. Нахотки уч ёшга киргандан кейингина менинг фарзандларим Ўзбекистон фуқароси бўлишди. Нахотки Ҳасан ва Зухра уч йилгача эмлаш ишларидан, бахтли болаларга бериладиган имтиёзлардан фойдалана олишмади?

Хурматли тахририят! Одам ичидидаги дардини бирон бир кишига айтса ёки ёзса ўзини енгил тортаркан.

Мен оддий бир ишчиман. Ўзимнинг ҳам 8 та фарзандим бор.

Азиз юртдошлар, ҳеч банда етим бўлмасин, экан. Аввало осмонимиз мусофёр бўлсин, ютимизни тинч бўлсин, болаларвар юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин.

Нурали ТОВҚОРАЕВ

Қақшадарё вилоти
Қамаш тумани
Наврўз ш.х. Фаллакор қишлоғи

Маҳалламизда энг одобли киз, мактабда энг аълочи ўқувчи, оиламизнинг энг ширини қизиган Нигоранинг қўлимаганда ўз жонига қасд қилиши ва оламдан ўтиши бизни шунчалар гангитиб қўйди-ки, хали ҳамон ўзимизга кела олмаимиз. Онаси иккала мизни ва яқинларимизни лол қолдириб ўз жонига қасд қилишига нима мажбур қилди? У қандай аламки, бу аламга чидай олмай яшайдан ўлимни афзал кўрди? Ёки ориятни, ор-номусни деб ўлимни афзал кўрди? Шу кунга саволларга жавоб излай-излай адо бўлди. Нега бирор дарди бўлса бизга айтмади? Нега? Нимадир бўлган. Кимдир, нимадир унинг ўлимига сабабчи? Фақат гумонлар қолди. Гумонлар эса инсонни иймондан айиради, балки яна хатолар қилишга ҳам мажбур қилади. Биз ҳам шундай аҳволдамиз. Ушбу гапларни сизларга айтар эканмиз, ўз саволларимизга жавоблар тополмасакда дардимизга озроқ бўлсада малҳам топиш умидидамиз. Қолаверса ҳеч бир инсон бизнинг кунимизга тушмаслигини истардик. Вақтида фарзандларига кўз, қўлок бўлиб доимо уларнинг фикру хаёлларидан огоҳ бўлишимиз лозим экан. Бизнинг оиламиз дардини Оллоҳ ҳеч кимга раво кўрмасин деймиз.

Оиламиз унчалик катта эмас. Хотиним, икки ўғил ва икки қизимиз бўлиб бахтиёр эдик. Хотиним - Анвара уй-рўзгор ишлари билан шуғулланади. Икки катта ўғлим олийгоҳда, давлат бюджетли ҳисобидан ўқишади. Иккаласи ҳам аълочи талаба. Катта қизим 10 синфда ўқийди, кичиги Нигорам эса 8 синфда ўқирди. Ўқишлари аъло, орзулари бисёр, мактабни тугатиб, тиббиёт олийгоҳи

га кирмоқчи, шифокор бўлмоқчи эди. Ўзим ўқитувчиман. Компьютер соҳаси бўйича яхши мутахассис ҳисобланаман. Коллежда ўқитаман. Оиламиз маҳалладаги энг яхши оилалардан бири ҳисобланади ва биз бундан жуда фахрланамиз. Хуллас оиламиз

ҒИЙБАТ

даги ҳар бир инсоннинг ўз ўрни, ўз вазифаси бўлиб тинчгина яшар эдик. Хотиним уй ишларидан бўш пайтлари кўнамиз бошидаги кафе тўғрисида стол қўйиб ҳар хил майда-чуйда буюмлар билан савдо қиларди. Сақич, писта, курут ва ҳоказолар дегандай. Бу билан оиламиз бюджетига озми-кўпми ўз хиссасини қўшарди. Баъзида унинг ўрнига кичик қизим Нигора ҳам савдо қилар эди. Шу йилнинг июли ойи бошларида ҳам одатдагидек кечки пайт Нигора қайтиб уйга келди, унинг ўрнига онаси ўзи савдо қилиб қолган эди. Қизим уйга келиб баъзи бир рўзгор ишларини қилган бўлди. Сўнг бир пиёлани кўтариб музлаткич турган хонага кириб кетди ва бир пайт рағллари бир аҳволда: "Ичим ёниб кетаяпти" деб чикди. Ҳайрон бўлиб нима бўлганлигини сўрадим. "Билмасдан музлаткичдаги сиркадан ичиб қўйдим", - деди. Қўрқиб кетиб қўшнилари чакиртирдим, онаси хабар юбордим. Қўшнилари келиб дарҳол марганцовка сув

ичириб қайд қилдиришди. Аҳволи яхшиланаётганлигини кўриб дарҳол касалхонага олиб бордик. Фикру ёдимиз уни жонини сақлаб қолишга қаратилганлиги учун ўша пайтда ҳеч нарсага эътибор бермадик. Қизгиним икки кун ҳаёт учун курашди ва барибир оламдан ўтди. Шундан сўнггина бизни юқоридаги ҳар хил саволлар қийнай бошлади. Хотинимнинг айтишича қизим сал ўзига келгандек бўлганда.

- Нега сирка ичиб қўйдим? - деган саволига кафе ёнида ўзи билан ёнма ён савдо қиладиган қўшнинг ўзи тенги Гўлчехра ва Назира исмли қизлари билан айтишиб қолганини айтибди.

Улардан хафа бўлган экан. Тезда бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига билдирдик. Туман прокуратурасида бу масалани текшириб кўришди. Қизчалар билан суҳбатлашди. Бироқ улар биз "Нигора билан ҳеч қачон жанжаллашмаганмиз, аксинча ҳар доим яхши муносабатда бўлганмиз", - дейишди. Гувоҳлар ҳам бўлмади. Шундай қилиб бизнинг саволларимиз жавобсиз қолди. Тўғри, бу масалада изоҳ талаб қилиб қўшнилари ва хукук органлари билан ҳам жанжаллашиб олдик. Бироқ натижа бўлмади. Сабаби бировни жавобгарликка тортиш учун ҳам асос кераклиги ҳақ. Асослар эса бўлмади. Иккала етмаган қизалоқни ҳам айблашга ҳақимиз йўқ. Бандалар олдида ўз айбини тан олмаган инсонларга, сен айбдорсан дейиш ҳам гуноҳ. Лекин ёлгон гапириб ҳақиқатни яшириш ҳам гуноҳ бўлиб у ҳолда бандалар томонидан, қонун томонидан берилмаган жазодан қутулиш мумкин, лекин бир кун келиб Оллоҳнинг жазосини тортишлари ҳақиқатлигини уйлаб уйлаб тақдирга тан беришдан бошқа илоҳимиз қолмади. Бу сўзларни айтишдан аввало мақсадимиз хали айтганимдек дардимизга озгина бўлсада шу йўл билан малҳам топиш бўлса, иккинчидан фар-


занд ўстираётган ота-оналарга бизнинг хатоимизни тақорламасликка чақирдиришди. Қизим Нигоранинг ўлимида

Бир мактуб изидан

Ўзимизни ҳам қисман айбдор деб биламиз. Бу айб уни ўта тўғри, ўта ҳиссиётли ва ориятли этиб тарбиялаганлигимиздир. Унга инсон ҳар қандай қийинчилик бўлганда ҳам яшадек бахтдан ўзини бенаосиб этмаслиги кераклигини тушунтирмаганлигимиздир. Ахир Оллоҳ ҳам ўз жонига қасд қилганларни севмаслигини ота-боболаримиз ҳам доим бизнинг қўлоғимизга қўйиб келишган. Хатто ўз жонига қасд қилганларга жазо ўқилмайди, умумий қабристонга қўйилмайди дейишган. Мен бу билан ўтмишда эмас, ҳозирги кунимизда ҳам баъзида учраб турадиган менинг қизим кабиларни қилган ишларини қоралашган. Ҳозирги кунда ҳам ота-оналар ўз фарзандларини қийинчиликлардан кўрқмасдан курашишга чорлашлари кераклигини таъкидламоқчиман. Фарзандларимизни ҳар қандай шароитда ҳам ёруғ оламда яшадек бахтдан баҳраманд бўлишини маъносини тушунтириб, ҳаёт учун курашишларини тушунтирайлик. Ҳеч қачон ўзимиз ва фарзандларимиз ғийбат қўрбони бўлмайлик. Очилишга улгурмай гунчалигида ҳазон бўлган гулдек сўлиган қизгиним Нигорани Оллоҳ гуноҳини махфират этиб, ўз Раҳматига олсин дея тилаб қолувчи

Самарқанд вилоятилик ота-Неъмат Дўсанов. Унинг дил сўзлари. Лола Аҳмедова ёзиб олди.

ҚУРБОНЧИ БЎЛМАГИЛИК



Ёшим 80 да. Эрим урушда кетди, ёлғизгина ўғлимни ўзим тарбиялаб воёга етказдим, ўғлим механизаторлик қила бошлади. Вақт келиб уйлантирдим. Келиним қош-қўзлари

менга аён эди. Набиранинг ҳам ўнг қўлида катта холи борлиги учун исми Ҳолдор эди.

Бўйим етиб турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим жуда меҳрибон ва яхши инсон эди. Ота-онаси, яқинлари ҳам мени яхши кўришарди. Мендан кунлар, ойлар ва ниҳоят йиллар ўта бошлади. Ниҳоят мени ягона бир муаммо қийнайдиган бўлди. Бу фарзандсизлик муаммоси бўлиб, аста-секин ширин ҳаётимни кемира бошлади. Ўзим билан бир пайтда келин бўлиб тушган барча келинлар бир йил, икки йил ичида ўғиллик, қизлик бўлиб хурсандчилик билан бешик тўйларини

кўкка ишонмасдим. Кечалари бағримда олиб ётардим. Жажжи қўлчаларини, юзчаларини ўпиб тўймакдир. Қуладиган, кейин юрадиган, гапирадиган бўлди. Шодлигимга минг чандон шодлик қўшилди. У билан сўйлашадиган, эртақлар айтиб берадиган бўлдим. Кейин мактабга бердим. Мактабда у билан мактаб мен ҳам ўқиб ўлгаймидим. Умид яхши ўқиди. Қўролик, ақлик йигит бўлиб етишди. Мактабдан сўнг олийгоҳда ўқиди. Ва ниҳоят бир қизни севиб қолди. Бундай пайтда мендан ортиқ бахтиёр она бўлмади. Тўй-томаш билан ўғлимни шу қизга уйлантирдим. Ўғлим ва келиним бир-бирларига жуда мос. Ҳар ик-

ХИЁНАТНИНГ КАСОФАТИ

попукдеккина жувон эди. Аввал 4 қиз, кейин 2 ўғил кўришди. Ўғлим Мирзачўлга ишлагани ҳамқишлоқларимиз билан бирга кетди. 2-3 ойда бир келиб кетарди. Тўнғич набирам мен билан ётарди. Бир кун бошим оғриб ухламай ётсам, девордан кимдир ошиб тушди. Аввалига кўриб кетдим. Аста деразадан қарасам шарпа келимининг ўзи томон юрди. Уни танидим, қўшнингизнинг ўғли экан. Хотини бор, яхшигина оиланинг фарзанди, энг ачинарлиси ўғлимнинг кўздек яқин оғайниси эди. Мен бошимни кўрпага буркаб йиғладим. Орадан 9 ой ўтиб келиним ўғил кўрди. Биласизми, у қўйиб қўйгандек қўшни йигитнинг ўзи эди. Мен ўғлимни Мирзачўлдан чакиртирдим. Ва узокда ишламаслигини, оила ёнида бўлишини тайинладим. Ўзим эса Наманганда яшовчи уканикига кетишга отландим. Келинимдан кўнглим қолганди. Чунки у ўғлим кетиши билан ўша эркак билан алоқасини давом эттирарди. Эри келганида ўша оғайнисини йўқлаб кирса дарров чорпоёга жой ҳозирлаб, елиб-югуриб, ош-овқат тайёрларди. Ҳеч нарсадан беҳабар ўғлим яна Мирзачўлга қайтиб кетарди. Мен уканикига келиб шу ерда яшай бошладим. Ўзимнинг меҳнатим сингирган уйимга эса фақат набираларимни тўйларидангина келадиган бўлдим. Ўғлим қанча зўрламасин мен бу ерда қолмайман. Орадан йиллар ўтди. Қўшнингиз хотини ҳам оламдан ўтди. Вақти келиб ўшандан туғилган ўғил ҳам воёга етди. Уни уйлантиришди, мен афсуски бу тўғининг бошида бўлмамдим. Оёқ-қўлим оғриб, касалхонада ётгандим. Тўйдан сўнг набираларимни йўқлаб (ўғлимнинг хурмати учун) Андижонга бордим. Не кўз билан қўрайки, ўша қўшни йигитдан бўлган неварамизга номард оғайнисининг кенжа қизини олиб беришибди. Мен бошимни чангаллаганимга қолдим. Мен бу никоҳни бузиб юборшини ҳам, саклашни ҳам билмай қолдим. Чунки, улар она бошқа, ота бир ака-сингил эдилар. Афсуски, бунга ўзлари билишмасди. Бу сир ёлғиз Худоба,

Кўшнингиз ҳам қўлида худди шундай холи бўлиб уни исми бошқа эди, холос. Мен дардим ичимда, ортимга қайтдим. Орадан йил ўтиб чевара кўрдим. У киз ақли заиф бўлиб туғилди. Яна орадан 2 йил ўтиб ўғил туғилди. У 5 кун яшаб оламдан ўтди. Сўнг яна мажруҳ ўғил туғилди. Ҳозир 4 ёшда. На бўйинни тутта олади, на гапира олади. Келинга қараб адо бўламан. Боласига қараб бирам хафа бўлиб кетаман. Чунки, бу икки ёш ота-оналарининг ноҳўя, ўйламай қилган хиёнатининг қурбонлари бўлишди-да. Ҳозир улар ажралишди. Икки ногирон боласи билан чевара келинимга бошқа ҳовли-жой олдириб бердим. У эпчилгина, чеварчилик ҳам қиларкан. Буларнинг ҳаммасига аввало енгилроқ келиним айбдор. Ўша қўшни эркакдан мени ўғлим ўлса ўлиги ортиқ эди-я! Мана улар билан яшамаётганимга ҳам 24 йил бўлибди. Азиз она юртим, келин бўлиб тушган уйимни, маҳалламни ташлаб кетишимга шу келиним сабабчи бўлди. Чунки унинг хиёнатини асло ҳазм қилолмадим. Ўғлимга ҳам айтолмадим, оиласи бузилса, набираларим етим бўлиб қолишидан кўрқдим. Мана энди уларнинг гуноҳи учун набиралари азоб тортмоқда. Мен нафақа олишим билан Андижонга келиб шу набира келинимдан хабар олиб кетаман. унга: "Турмушга чиқ!" - десам кўнмайди. Эндигина 23 ёшга тўлган аёлга раҳиман келади. Бу воқеани айтишимдан мақсадим шуки ўғилларим, қизларим, ўйлаб қадам босинглар. Сизлар билиб-билмай, оқибатини ўйламай босган қадамнингиз, гуноҳингиз учун йиллар ўтиб беғуноҳ норасидларингиз озор топишмасин. Майиб-мажруҳ фарзандларига термулиб ёш умрлари ҳазон бўлмасин. Хиёнатнинг касофати ниҳоятда оғирлигини англаб етинглар.

80 ёшли Мукаррамхон энанинг дилидаги сўзларини Машхура ИСОКОВА ёзиб олди

ОЗОР

БЕРИШНИ ИСТАМАЙМАН, ЛЕКИН...

хам ўтказишди. Яна йиллар ўтиб бир фарзандлари бир неча бўлди. Олдин бочгага, кейин мактабга катнайдиган бўлишди. Мен эса қизимга атаб олиб қўйган кўғирчоғу қўйлақчаларни, ўғлимга атаб олиб қўйган уйинчоқ машиналарни томоша қилиб, кейин яна жойига олиб қўйишдан нарига ўтмасдим. Кейинчалик эгасини узоқ кўриб қолган бу буюмларни кўрсам қўзим ёшга тўладиган бўлди. Гўё уйинчоқлар ҳам мендан эгаларини сўраётгандек эзилардим. Йиллар ўтиб қайнона-қайнотам, айнқиқса, эримнинг қўзларига қарай олмайдиган, уларнинг қаршида ўзимни айбдордек сезаётган бўлдим. Бироқ улар ўзларининг менга бўлган яхши муносабатларини ўзгартиришмади. Хатто бу ҳам менга оғир ботарди. Ўзим бир неча марта улардан энди менга бу уйдан кетишга ружукат беришларини, эримни эса уйлантиришларини сўрадим. Лекин эрим ҳам, улар ҳам қўнмишмади. - Сабр қил, Оллоҳнинг сенга ҳам атагани бордир, - дейишди. Тўғри айтишган экан. Ўн тўрт йил деганда ўғлим туғилди. Унга хурсандчилик билан "Умиджон" дея исм қўйдик. Умиджон билан уйимизга яна хурсандчилик, шодлик келди. Уни еру

каласини кўриб хурсанд бўламан. Лекин кейинги пайтлар мени бир нарса эзаяпти. У ҳам бўлса ўғлимнинг иши дарди хотини бўлиб қолди. Унга бутун бўш вақтини ажратарди. Мен билан олдингидай ўтириб гаплашишга ҳам вақти йўқ. Доим шошиб юради. Ҳали ишга, хали хотини билан меҳмондорчиликка, унинг қариндошлари билан учрашувлар ва ҳоказолар билан банд. Мен эса боланинг дийдорига тўя олмай хунобман. Боламга бу ҳақида айтсам: "Ойижон, сизнинг мени ўта яхши қўришигиздан баъзида жудам қийналиб кетаман", - деди. Унинг бу гапидан жуда хафа бўлдим. Ҳаёлимда келин ўғлимни мендан тортиб олгандек эзиламан. "Нахотки келинимга рашк қилаяпман", - дея ўзимни қойийман. Фойдаси йўқлигини биламан, лекин барибир, ўзимни, боламга бўлган меҳримни биров тортиб олгандек хис қилаяпман. Нима қилишимни билмайдиган кўнглимдагиларни ёзди. Айтишларини, нима қилсам тўғри бўлади? Боламнинг бахти, тинчлиги менинг ҳам бахтим. Унга озор беришни истамайман. Лекин...

Маърифатхон

Тошкент шахри

БАҚЛАЖОН - ДАРМОНИ ЖОН



Бақлажонни ҳамма билади. Аммо табобатдаги ўрни ва унинг хусусиятлари борасида кўпчилик билмас керак. Бақлажон бир йиллик, ўсимлик бўлиб, унинг Ватани - Шарқий Ҳиндистон. Шу ердан VII-VIII асрларда

Ўрта Осиёга тарқалган. Бақлажон - иссиқсевар ва намлини ёқтирадиган ўсимлик. Июн-июлда гуллаб, июл-сентябрда пишиб етилади. Меваси пишиб етилганида сафрак ёки кўнгр ранг олади. Бақлажоннинг кимёвий таркибида кислоталар шу билан бирга, дармон-дорилар ҳам жо бўлган. Тўли макро ва микро элементлар ҳам

Бақлажон меваси пиширилган, қуритилган, тузланган ва консерва қилинган ҳолда қўлланилади. Бақлажон каллорияси паст бўлганлиги учун семиз кишиларга фойдалидир. Паришонхотирлик (атеросклероз) да парhez сифатида тавсия этилади. Ўт (сафро), буйрак - тош хасталиклариде яхши наф келтиради. Таркибида калий моддаси сақлагани учун юрак иш фаолиятини яхшилаиди. Ва пешоб ҳайдовчидир.

Шунинг учун юрак - қон тизими хасталигида, юрак шишганда, буйрак, жигар хасталиклариде парhez сифатида қўлланилади. Бақлажон меваси таркибиде темир, кобальт, мис, рух бўлганлиги учун гемопозда фойда қилади. Бу билан камқонликка чалинган беморларга айниқса эм бўлади. Бунда ҳар куни 4 марта 100-200 граммдан бақлажон истеъмол қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бақлажонни хоми қанд касаллигида даводир.

Бақлажон роса пишиб етилганида алкохолд модда - солонин М (мелоген) миқдори бирдан ошиб кетади. Шунда эҳтиёткорлик чорасини унутмаслик керак. Заҳарланиш эҳтимоли бор, яъни қусиш, қайт қилиш, ич кетиш, нафас бўғилиши ҳоллари рўй бериши мумкин. Бунинг учун шифокор келгунча беморларга сут, тухум оқсилни бериш керак. Ҳамма нарсанинг меъёри, яъни асалнинг ози ширин, деганларидек, бақлажонни роса пишиб етилгани меъёрида истеъмол қилиш керак. Ўта пишиб, ўтиб кетганистеъ мол қилмаслик даркор.

Сарлавҳани ўқиб, бу нима экан, деб ўйларсиз. Бу ҳамма-ҳамма биладиган узумдир. Айни пайтда гарк пишган. Ўзбекистонда тоқнинг 400 нави ўстирилади. Нимранг, Чарос, Хусайни, Шакар ангур, Биҳишти навлари кўпроқ экилади. Минг йилдан бери маълум. Табобатда даво сифатида меваси ва барги қадрланади.

Узум бир неча минг йилликдан буён ишлатилиб келинмоқда. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўз асариде шундай ёзган: "...Тоқнинг суви қўтир ва темирўткилар учун доридир. Ёввойи тоқнинг меваси чиққиларнинг ялиғланишини қайтаради. Қириндиларининг кули сирка билан аралаштирилганда асаб буралишига, шохларининг кули эса зайтун ёғи билан қўшилганда мушакларнинг ёрилиши ва бўғинларнинг бўшашига қарши ишлатилади. Барги ва жингак иплари иссиқ бош оғриғига суртма дори бўлади. Ёввойисининг (пўстлоғи) асал билан қўшилганда қонайдиган тиш милкни тuzатади...

Буйрак, қовуқ, ичак оғриганда, пешоб ҳайдовчи, ўт (сафро) ҳайдовчи, дармонбахш сифатида тайинланади. Узум уруги билан сабзи уругини қайнатиб, доқа оққали сузилади. Бу қайнатмани бавосил (геморой) хасталигига чалинган беморларга тавсия этилади. Узум ширасини танани мустаҳкамлашда, кўнгил айнишини бартараф этишда ичилади. Узум юрак-қон томир, тош хасталигида, сурункали нефрит, жигар хасталигида, асаб тизимида, камқонликда, сил хасталиги, зикқа нафас, моддалар алмашинуви бузилганида яхши наф келтиради.

Паришонхотирлик, туз тўпланишида тавсия этилади. Узум балғам қўчишини кучайтиради, шу боис йўтал, юқори нафас йўллари шамоллаганда малҳам бўла олади. Бунинг учун янги узилган узумни 1:2 нисбатиде қайноқ сувда 10 дақиқа қайнатилади. Қайнатма ярим стакандан 3-4 марта ку-

нига ичилади. Тухум, қанд шарбати, узум суви аралашмасидан роҳатбахш ичимлик тайёрласа бўлади. Майиз билан пиёз шираси аралашмасидан тайёрланган қайнатма томоқ оғриганда фойда қилади ва товушни яхшилайди. Узум қадим замонлардан, яъни XVI асрда яшаб, ижод этган шоир ва табиб Ҳаким Давоий ал-Гилоний узум борасиде биттақилгани фикримизнинг ёрқин далилидир:

Қуруқ-совуқ эрур узум мижози, Уруги ҳам шундай, бунга бўл рози. Хўл-иссиғи бўлар, жуда яхшидир, Оқи эса меваларнинг накшидир. Янгисидан эса топар дил хузур, Аммо қорин тинмай қилар, қуррукур.

Емиш қилса уни кимки наҳорга, Иссиқ меъда айланади баҳорга. Тану жонга ундан равнақ эрур ёр, Ислоҳини излар бўзворк, бил анор.

Шуниси диққатга сазоворки, узумнинг гўраси ҳам фойдали экан. Сафрони чикаради, чанқоқни босади, ич кетишини тўхтатади, меъда (ошқозон), жигарга қувват беради. Барги эса томоқ шамоллаганда наф беради, бунда чайқалади. Шу билан бирга, барги турли яраларда, жароҳатларда тавсия этилади.

Узум билан даволаш муолажаси 1-1,5 ой мобайнида этил борилади. Ҳар куни 200 граммдан бошланиб, аста-секин 2 килогача етказиш даркор. Узумни эрталаб, нонуштадан 1,5-2 соат олдин истеъмол қилиш тавсия этилади. Бу вақтда сут, ароқ, маъданли сув ва бошқа ичимликлар ичиш тавсия этилмайди.

Узум ўта семиз кишиларга, ўткир юрак етишмовчилигида, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси кўзгалганида, қандли диабетда тавсия этилмайди. Узум тишларни бузади, шунинг учун егандан сўнг оғизни сув билан озгина чой содаси қўшиб чайқаш керак.



Малина - ҳўжағат меваси доривор мевасифатида донғи кетган. Биласизми-йўқми - малина деганлари мини-дорихона, яъни **мўъжазгина** дорихонанинг ўзи. Малина меваси таркибиде қанд, целлюлоза-бириктирувчи тўқима, органик кислоталар, пектин, тери ошлашга ва бўяшга керакли бўлган моддалар, каротин, мис ва калий тузлари, мой кислоталари ва турли витаминлар мавжуд. Халқ табобатиде малина - ҳўжағат азал-азалдан нуфузли ўринни эгаллаб келган. Шифокорлар мана шу ширин, оғизда эриб кетадиган меванинг даволаш хосасига шарҳ беришган: мевада салицил кислотаси- иссиқлик ҳарорати даража-



НАҚ МЎЪЖИЗАНИНГ ЎЗИ

сини туширишга қодир ажойиб восита мавжуд. Шамоллаш, грипп, бронхит, ларингит дардлари кўзиганда ҳароратни туширишга малина қўқилари қайнатмаси ёрдам беради. **2 ош қошиқ малина қоқиси устига 1 пиёла қайнаб турган сув қўйилади, 15-20 дақиқа дамбаб қўйилади-да, сўнгра ичилади.** Малинани ўзи-ку ўзи, ҳатто япроқлари ҳам дори. **Малина барглари қайнатмасини ошқозон оғриғи хуруж қилганда, ангиана пайти, шунингдек, йўталганда оғиз чайилиб, фарғара қилинса, анча даво бўлади. Балоғатга етган болаларингизда хўснбузар тошиб қолади. Худди шунда Малина гулини қайнатиб, ўз ювилса, фойда қилади.** Малинанингни энди чиққан митти баргларини чойга қўшиб ичилади. Янги узилган малина меваси эса атеросклероз (юрак ва қон томирлари склерози), гипертония (қон босимининг ошиши),

авитаминоз - витаминсизлик касалликлариде яхши кўмак беради. Янги мевалари айниқса асал билан бирга, яъни 0, 5 **пиёла малинага 2-3 ошқошиқ асал** қўшиб танавул қилинса борми, ҳам шифо, ҳам маза бўлади.

Маълум бўлишича, яхшигина зиёфатдан сўнг эртасига эрталаб бош оғрига давоси ҳам малина экан. Малина қурган барглари ва мевасидан чой дамбаб ичган киши дарҳол енгил тортар экан. Чунки малина бадандаги тоқсин ва спиртли ичимлик заҳрини ҳайдаб чиқаришга қодир экан.

Мана, сиз малинанингни қанчалик шифобахшлигини яна бир қарра билиб олдингиз. Ана шунинг учун ҳам малина мураббосини, малина қоқисини, баргларини қишга ғамлаб қўйишга шошилган. Яна шуни ҳам билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди: малина шунча хусусиятлари билан бирга, баъзи дардларга, масалан, нефрит - буйрак ялиғланиши, подагра - танада модда алмашинувининг бузилиши туфайли юз берадиган бўғинларнинг зирқираб оғришига тўғри келмайди.

Маъсума АҲМЕДОВА

Қовун қовоқдошлар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик ўсимликдир. Қовунлар навларига қараб турли кўринишда ва рангда бўлади.

далидир..." Халқ табобатиде қовун камқонликда, паришонхотирлик, бод, беланги, сил, жигар, буйрак хасталикларини даволашда

БОБУР ШОҲНИ ҲАМ СОҒИҚТИРГАН

Қовун Марказий Осиё, Кавказ ортида, Украина, Молдова, Ҳиндистон, Эрон, Франция ва бошқа мамлакатларда экинлаштирилган. Ватани - кичик Осиё. Қовун жуда қадим замонлардан буён дардга малҳам бўлиб келган. Тарихий манбаларга қараганда, 1530 йили Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида бемор ётган Бобуршоҳ жаннатмақон юртимизнинг қовунларини қаттиқ соғинган экан...

ишлатилади. Қовун уруги эмульсия ҳолида хўснбузар, сепкилли кетказишга фойдали. **Буйрак тош касаллигида қовун уруги ховончада обдон майдаланади. Сўнгра қайноқ сув аста-секин қўйилади, аралаштирилади. Қосил бўлган эзилмани доқадан сузиб олинади ва ярим стакандан 3 марта таомдан олдин ичилади.**

...Олис йўл босган қарвон ниҳоят Агра шаҳрига етиб келади. Кўзни қамаштиргудай шох саройининг сарбаланд тахтида ўтирган Бобур Бобур қарвонбошининг тиз чўкиб ер ўпишга йўл қўймайди. Аксинча йўловчининг барини, либосининг гардини юзига, кўзига суртади. - Тиз чўкмангиз, - дейди ҳаяжондан титраб Мирзо Бобур. - Ҳозир сиз шох, мен гадоман. Ахир сиз Ватаниминг насимини келтурдингиз...

Қовунни оқ қоринга истеъмол қилиб бўлмайди, сабаби безгакни қақриши мумкин. Қовунни қандли диабет хасталигига чалинганлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор беморларга тавсия этилмайди. Қовун шу билан бирга эмизикли оналарга ман этилади. **Қовунни спиртли ичимлик билан, асал ёки товуқ гўшти, сув билан еб бўлмайди.** Чунки бунда ичбуруғ, оғир ичкетар каби ичак хасталикларига мубтало қилади.

Совғалар орасиде тилими тилни ёрадиган қовунлар бор эди. Шаҳаншоҳ, лабда табассуми, кўзда ёши билан қовунларни кўксига босади. Ватан соғинчи қалбини ўртаган шоирининг ўтли сатрлари қоғозга тушади:


"Қовун бирла узумнинг ҳажрида Кўнглимда ғам ҳар сў, Оқар сувнинг фироқидин Кўзимдан ҳар дам оқар сув".

Қовунни оқ қоринга истеъмол қилиб бўлмайди, сабаби безгакни қақриши мумкин. Қовунни қандли диабет хасталигига чалинганлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор беморларга тавсия этилмайди. Қовун шу билан бирга эмизикли оналарга ман этилади. **Қовунни спиртли ичимлик билан, асал ёки товуқ гўшти, сув билан еб бўлмайди.** Чунки бунда ичбуруғ, оғир ичкетар каби ичак хасталикларига мубтало қилади.


Ҳўш, Бобур бобони соғинтирган қовуннинг қандай хислатлари бор? Буюк аллома Абу Али ибн Сино шундай таърифлаган:

"...Қовуннинг эти ва айниқса уруги етиштирувчи ва тозаловчидир. Терини тозалайди, айниқса уруги ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ, бошнинг кепагини йўқотишда фойда қилади. Қобиги (пўчғини) манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлаларга тўсиқлик қилади. Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам пешоб ҳайдайди. Айниқса буйраги ва қовуғида майда тошлар бўлган беморлар учун фой-

Абу Мансур (Ҳаср)нинг фикрига кўра, қовуннинг шифобахшлиги уни пишганлиги ва ширин (мазаси)лигига боғлиқ эканлигини ёдда тутуш кифоя.



ДОРИЛАРНИ САҚЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?



Кўпинча хонадонингизда сақлаш муддати ўтиб кетган дорилар йиғилиб қолади. Бу эса кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлиши мумкин. Уларни вақтида ташлаб юбориш керак. Уйдаги дорихонанинг ийгиштиришни муддати ўтиб кетган дориларни ташлаб юборишдан бошланг. Аввало, дориларни тўғри сақлашга диққатингизни қаратинг. Уларнинг баъзиларини музоҳанада сақлаш, баъзиларини қоронғу жойларда сақлаш зарур бўлади. Кўп дорилар иссиқ жойда тез бузилиб қолади. Шунинг учун дориларни қуёш тушадиган жойда сақлаш мумкин эмас. Айниқса, доривор ўтлар солинган қоғоз халтачалар тез йиртилиб кетган бўлса, янгисини такинг. Уларни елим халтачаларда сақламаган маъқул. Чунки, елим халтачада ўтлар ўзларининг табиий хусусиятларини йўқотадилар. Яна шуни унутмангки, дориларни албатта болаларнинг қўли етмайдиган жойга қўйиш ёки дорилар турган шкафчани кулфлаб қўйиш зарур.

ЯНГИДЕК БЎЛАДИ

Табиийки баҳор ва куз мавсумида кийиладиган пойабзаллар туфайли анча муаммолар туғилади. Улар ёмғирда тез намиқиб, кўринишини йўқотади. Пойабзал ва туфиллар узок хизмат қилиши, шу билан бирга кўринишини йўқотмаслиги учун уларга алоҳида парвариш зарур бўлади. Ёмғирли кунда кўчадан келгач, аввало, намиқиб кетган туфлингизга глицерин суртинг. Бу эса чармни қуриб қолишдан сақлайди. Агар туфли ва ботинкаларингиз табиий чармдан бўлиб, жуда ҳўл бўлиб кетган бўлса, унинг ичига қоғоз тўлдириб қуритинг. Кейин эса вазелин ёки махсус кремлардан бирортаси билан ишқаланг. Шунингдек, чарм пойабзалларни аелсин пўсти билан ҳам ишқаласангиз ярақлаб, янгидек бўлади.



КИР ЮВИШ СИРЛАРИ

Дўкondан мактаб олган кўпга чидамли мато, ювган сарингиз ранги ўчади, натижада ҳали кийишга яроқли, замонавий кўйлагингиз охори кетиб, кийишга ярамай қолади. Энди нима қилса бўлади? Айтишларича, ҳамма гап кирни қандай ювишда эмиш. Тажрибали уй бекаси шундай дейди.

ниқлаштириш учун охириги марта чайётганингизда сувга бир чимдим туз ташлаб юборинг.

Кизил ва ҳаворанг матоларни чайганингизда сувга пича сирка қўшинг, пушти ранглисига эса — нашатир спиртдан қўшинг. Шундай қилсангиз, бўёқлар анча вақтга тусини йўқотмайди, охорини сақлаб туради.

Рангли иплар билан тикилган буюмларни ювиш олтидан 2 чой қошиқ туз қўшилган 1 л. сувга ботириб қўйинг, сўнгра эса хона ҳароратиде тузли сувда совун билан



ювинг. Кейин бу кийимларни яхшилаб қуритиш ва тескари-сидан дазмол уриш керак бўлади.

ИДИШЛАРИНГИЗ ЯРАҚЛАЙДИ

Шиша ва биллур идишларни махсус ювиш воситаларисиз ҳам ярқиратиб тозалаш мумкин экан. Бунинг учун хом туҳум ва лимон керак бўлади. Битта лимоннинг сувини сиқиб олгач, унга туҳумнинг пўчоғини майдалаб, солиб аралаштирасиз. Икки кундан кейин туҳумнинг пўчоғи эриб аралашиб кетади. Ҳосил бўлган суюқлик билан биллур ва шиша идишларни, бокал ва рюмкаларни яхшилаб чайқайсиз. Шунда улардаги доғ ва қуйқалар бирпасда тоза бўлади.

Шиша ва биллур идишларни яна бир оддий усул, яъни қаҳва қуқуни билан ҳам қойиллатиб тозалаш мумкин экан. Бунинг учун 1 литр сувга 1 чой қошиқ қаҳва, бир чимдим ичимлик содаси солиб, тайёр бўлган аралашма билан ўта қирланган шиша ва биллур идишларни қойилмақом қилиб тозалашингиз мумкин.



Басира САЙИДАЛИЕВА

ТУЗ НАФАҚАТ ТАОМГА, БАЛКИ...

- Агар сиз беҳосдан гиламга сиёҳ тўкиб қўйсангиз, шу захотиёқ доғ устига бир ҳовуч туз ташланг. Ва туз сиёҳни ўзига шимиб олади, пировардида доғ қолмайди.
- Дастуромолчани ювиш олтидан туз солинган совуқ сувга ботириб қўйсангиз, кирни жуда тез кетади.
- Ҳўл ўтиннинг тез олов олиши учун унга бир чимдим туз ташланг.
- Нашатир спирт (аммиакнинг эритмаси)да сулортирилган бир чимдим туз ипак газламадаги ёғ доғларини кетказади. Сирка билан аралаштирилган туз эса қизил ва сариқ мисдан қилинган асбобларни, шу билан бирга, ўта ифлос бўлган шиша идишларни ярақлатиб ювишда энг яхши воситадир.
- Сунгурини ишлатишдан олдин тузли қайноқ сувга бироз ботириб қўйинг, шунда у анчага чидайди.
- Тузли сув дераза ойналарини яхши тозалаш билан бирга уни совуқдан ҳам сақлайди. Ҳадемай қиш қиличини ялангочлатиб кириб келади. Маълумки, ойналар музлайди. Агар сиз ойнадаги музни кетказмоқчи бўлсангиз, бир ҳовуч тузни ярим литр сувда эритинг ва чўткани эритмага ҳўллаб ойна бўйлаб юргизинг. Шунда муз тезда кўчиб тушади, сўнг ойнани латта билан қуригунча артинг.



БЕМИННАТ ДАСТЁР

Ҳар бир уй дори тоқчасида нашатир спирти бўлиши шартлигини ортиқча эслатаверишининг ҳолати йўқ. Одатда нашатир спирти фавқуллода ҳолларда: киши беҳосдан ҳўшдан кетганида ишлатилади. Лекин нашатир нафақат ўзининг шифо бахш этувчи хусусиятлари билангина эмас, балки уй-рўзғорда кенг фойдаланилиши билан ҳам қиматли.

Сиз мана шу яқшанба кўни яқиндагина бўялган пол, дераза, эшик ромларини ювиб чиқишни режалаштирясизми? Унда шошилманг. Ювадиган сувингизга бир неча томчи нашатир томизинг. Шунда ювилган жой ялтираб кетади.

Мана, мисол учун оппоқ чойшабарингизни ювмоқчисиз. Унда сувга нашатир солиб ювинг (1 челақ сувга 1 ош қошиқ) — оқартирувчи кимёвий воситанинг ҳам кераги бўлмай қолади.

Матога томган йод доғи нашатир ёрдамида осонгина кетади.

Нашатир эритмаси билан (сувинг тўртдан бир қисмига) замш пойабзал, кийим-кечакни тозалаш мумкин. Сўнгра замш сиртини махсус резина чўтка ёки шилдирак қоғоз билан артиш керак бўлади.

Нашатир спиртига ҳўлланган жун латта билан кумуш ва никелланган буюмлар артилса, янада жилваланади.

Уқалаш чўткалари, тароқларни вақти-вақти билан диққат билан тозалаб туриш керак. Бунинг учун уларни пича нашатир спирти ва бир ҳовуч йирик туз солинган сувга туни билан солиб қўйинг. Эрталаб эса чайиб олинг.

М.МИРЗАШАРИПОВ

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

■ Агарда уйингизда махсус нон қўядиган идишингиз бўлмаса, унда нонни тагига арчилган хом картошка ёки бир ҳовуч туз солинган шиша ёки сирланган эмаль идишида сақланг. Шундай қилсангиз, нон ҳидланмайди, яхши сақланади.

■ Уй бекасига уни ғамлаб қўйиш жуда қўл келади, қийналиб юрмайди. Унга мита тушмаслиги учун бир бош саримсоқни олинганда, уни пўстини тозаламасдан бутунлигича ун қоғига ташлаб қўйинг. Яна урни вақти-вақти билан элаб, бошқа қолга солиб туриш керак.

■ Крахмал, ёрмани туз солиб доқа билан ўралган темир, шиша ёки ганч қопқоқ билан жипс ёпилган ҳолда сақланса, курт тушмайди, яхши сақланади.

■ Агарда пишлоқ анча вақтгача янги, яхши турсин десангиз, уни бир чакмоқ қанд солинган ёпиқ кастрюлькага солиб қўйганингиз маъқул.

■ Ўсимлик мойини совуқ, қуруқ ва қоронғи жойда сақласангиз, узок вақт туради. Умуман, ўсимлик мойининг сақланиш муддати махсус маҳкамланган идишида икки ой, бўлмаса бир ойидир.

■ Агарда мураббо усти очик бўлса, у шакар босиб, мазасини йўқотмасин десангиз, устига 1 см. қалинликда шакар сепиб қўйинг.

■ Оппоқ дастурхондаги чой доғларини қандай кетказиш мумкин? Дастурхоннинг доғли жойларига глицеринни иситиб сурканг ва орадан 20 дақиқа ўтгач, дастурхонни чайиб ташланг, доғдан асар ҳам қолмайди.

■ Сунъий ип аралашган нафис кийимларни асло ҳўл латта қўйиб дазмол босманг! Йўқса, иплар гужанак бўлиб ёпишиб қолади-да, кийимингиздан ажраласиз. Уёқ-буёққа қиядиган кишилик кўйлагингиздаги чиройли боғични орқадан жажжи нина тўғнағич билан маҳкамлаб тўнгиб қўйсангиз, ўз кўринишини йўқотмайди.

■ Ошхонада тутиладиган сочиклар, фартуқларни, клеёнкаларни ўнг томонидан ўраб қўйинг, уларни жавонга бир тўда қилиб тахлаб қўйманг. Шунда улар гижим бўлмайди. Яна буфетда идиш-товоққа ҳам жой ортади.

■ Гулдор оқ чойшабни, агарда сувга туз солиб ювсангиз, ранги ўнгиб кетмайди.

■ Иш ёки спорт кийими тугмасини балиқ овлайдиган диаметри 0,4 мм. лик қармоқ ипи билан тиксангиз, маҳкам туради ва узок пайтгача узилмайди. Тугма қадаш учун тешиги каттароқ игна танлаш керак.

■ Теридан тайёрланган кийим-кечакларни чўчка ёғини юпка қилиб суржаб чиқсангиз, худди янгидай туради.

■ Агарда жун ип игна тешидиган ўтмаса, ип учларини совун билан ишқаб, бармоқларингиз билан тузатиб, ўтказинг.

■ Янги томган сиёҳ доғлари иссиқ сут ёки қатиқ билан осон ювилади, доғи бир зумда кетади.

■ Кийим-кечакларга қуя тушмасин десангиз, жавонга қуриган апельсин пўстлоғи, тамаки, ёнғоқ ёки ёронгул япроқларидан ташлаб қўйинг.

■ Штапель матодан тикилган кўйлагингизни ювганингизда сира қатиқ сиқманг. Аксинча уни енгилгина силкиб, оқ ўранг-да, сўнгра унга елкаликларни қўйиб, қуритиш учун авайлаб осинг.

Маъсума АХМЕДОВА

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият
 Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
 Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганда албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
 Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
 Табриклар, эълонлар: 133-04-50
 Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
 Бухгалтерия: 132-07-41
 Газета «Шарк» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
 Босишга топшириш вақти - 20.00
 Босишга топширилди - 21.00
 Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
 Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
 Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобок.
 Адади - 17571
 Саҳифаловчи — А. ТОХИРОВ
 Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
 Навбатчи — Л. АХМЕДОВА
 Мусахҳиҳ — С. САЙДОЛИМОВ.